

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

САЙЛОВДА ФАОЛ ҚАТНАШИБ, МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАНГ, ВАТАНДОШЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабр куни эрталаб соат 6.00 да бошланиб, кеч соат 20.00 гача давом этади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги Қонун талабига кўра овоз бериш жараёни қуйидагича ташкил этилади.

Сайловчи овоз бериш учун келар экан, ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Сайлов участкасига келгач, сайловчи ўз ҳужжатини участка комиссиясининг аъзосига кўрсатади. Комиссия аъзоси сайловчилар рўйхатига мувофиқ ҳужжат тақдим этган сайловчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга сайлов бюллетени беради. Сайловчи эса бюллетен олганлигининг тасдиғи сифатида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Бирор бир сабабга кўра айрим сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлиги аниқланса, участка сайлов комиссияси сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан уни сайловчилар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайлов бюллетени бериш юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Сайловчи у ёки бу номзодга нисбатан ўз муносабатини билдиришни, яъни сайлов бюллетенини тўлдиришни махсус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчидан бошқа бирор бир киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъиян таъқиқланади.

Сайловчи бирор бир сабабга кўра сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдирма олмаса, у бошқа бир кишини ёрдамга қақариши мумкин. Бундай ёрдам кўрсатувчи шахслар доираси қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бу борада сайлов комиссияларининг аъзолари, кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчига ёрдам кўрсатишлари таъқиқланади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олиб, кабина ёки хонага киргач, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоддан бошқа номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бирон бир бошқа ёзув қолдирса, улар инобатга олинмайди.

Биттадан ортиқ номзодларнинг фамилиялари ўчирилмай қолдирилган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топиллади.

Сайловчи тўлдирилган бюллетенини сайлов кутисига ташлайди.

Башарти, овоз берувчи у ёки бу сабабга кўра сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси унга янги бюллетен беради. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари эса, сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олиниб, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

Айрим сайловчилар бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаслиги мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қондириб, овоз бериши улар турган жойда ташкил этади. Бу вазифани бажариш комиссия аъзолари зиммасида бўлади.

Тегишли участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш чоғида тартиб сақланиши учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

00 – БАҲОР САЙЛОВ ОКРУГИ 5 декабрь 1999 йил

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР: КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ:

АНТОНОВ Алексей Сергеевич	1936 й., “Адолат” партияси аъзоси, Тошкент шаҳар II-классхонаси врач 1936 г., член партии “Адолат”, врач больницы №11 города Ташкента	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Социал-демократическая партия Узбекистана “Адолат”
БОТИРОВ Шокир Гуломович	1946 й., “Ватан тараққийоти” партияси аъзоси, “Тошкентлик коммунист” ишлаб чиқариш бirlлигида муҳандис 1946 г., член партии “Ватан тараққийоти”, инженер производственного объединения “Ташкенткоммунист”	Ўзбекистон “Ватан тараққийоти” партияси Партия Узбекистана “Ватан тараққийоти”
РАСУЛОВ Устман Рўзинович	1940 й., “Миллий тикланиш” партияси аъзоси, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, 37-мактаб директорининг ўринбосари 1940 г., член партии “Миллий тикланиш”, заместитель директора школы №37 Чиланзорского района города Ташкента	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” партияси Демократическая партия Узбекистана “Миллий тикланиш”
ТУРСУНОВ Махмуд	1944 й., “Фидокорлар” партияси аъзоси, Тошкент шаҳар телефон станцияси оператори 1944 г., член партии “Фидокорлар”, оператор телефонной станции города Ташкента	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Национально-демократическая партия Узбекистана “Фидокорлар”
Цой Михаил Аркадьевич	1936 й., ЎзХДП аъзоси, “Шарқ” кичик корхонаси директори 1936 г., член партии ПДПУ, директор малого предприятия “Шарқ”	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Народно-демократическая партия Узбекистана
ФОЗИЛОВА Турсуней Пулатовна	1940 й., партияси, Тошкент тўқимачилик ва сийлаб олиш олиғиҳи ўқитувчиси 1940 г., без партийный, преподавательница Ташкентского института текстильной и легкой промышленности	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Совет народных депутатов города Ташкента
ҚОСИМОВ Тоғни Шукорович	1949 й., партияси, “Кундуз” очиқ турддаги акционерлик жамғириши раиси 1949 г., без партийный, председатель акционерного общества открытого типа “Кундуз”	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи Инициативная группа избирателей

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилади.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете. Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата в депутаты, признается недействительным.

ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА

- Республика Миллий матбуот марказида “Маънавият” нашриётида чоп этилган “Комиллик калити” ва “Маърифат манзиллари” китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев қатнашди ва сўзга чиқди.
- Япония Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикасининг расмий

ҳайъати 25 ноябрда Японияга ташриф буюрди.

- Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Италия Республикаси Мудофаа вазирини Карло Сконья-милю Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э. Халилов билан учрашди.
- — Ўзбекистонда акушер-гинекологларнинг навбатдаги V съезди бўлиб ўтди, деб хабар қилади съезд делегати, олий тоифали врач, гинеколог Галияхон Нуриддинова. - Анжуманда иштирок этган 350 нафардан зиёд делегатлар қатори АҚШ, Германия, Исроил, Италия, Россия сингари ўнлаб хорижий мамлакатлардан ташриф бу-

юрган тиббий мутахассислар - мехмонлар ҳам фаол иштирок этдилар.

- Тошкентнинг Шайхонтохур туманидаги Ибн Сино номи маданият маркази жамоаси “Муносиб номзодлар учун овоз берайлик” мавзусида янги адабий-бадиий мусиқали композициясини шаҳар сайлов участкаларида намойиш эта бошлади.
- Ўзбекистон футбол терма жамоаси Бирлашган Араб Амирикларида XII Осие кубогининг саралаш ўйинларида мутлоқ зафар қозониб, келгуси йилнинг октябр ойида Ливанда бўладиган китъа биринилгига йўлланма олди.

- Германиянинг Любек шаҳрида профессионал бокс қироли - ҳамюртимиз Артур Григорян ўнинчи раундда уругвайлик Уилсон Галлини накаутга учратиб, ўзининг 10-юбилей галабасини таъминлади ва WBO йўналишидаги жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди.
- 1995 йилнинг январида республикамиз олий ўқув юртлари орасида биринчи бўлиб, Тошкент Давлат университетида “Университет стипендияси” ташкил этилганди. Ўтган давр ичида 400 нафар талаба ушбу стипендияни олишга муяссар бўлди. Яқинда яна 94 нафар талаба қўшилди.

ОЗОД ВА ОБОД КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРИНГИЗ!

ОПА ОРЗУСИ



"Устоз - отангдан улуг" деб бежиз айтилмаган. Мавлуда Исमतова учун шундай улуг одам - унинг устози Абдуфани Қодиров бўлади. У шоғирдини мактаб директори лавозими га тавсия этаётган янглишмади. Мавлуда опа дастлабки кунларданок мактабда энг иқтидорли ўқувчиларни алоҳида гуруҳга ажратди. Уларни ўзлари қизиққан соҳаларга тўғри йўналтириш мақсадида қатор олий ўқув юртилари билан ҳамкорлик қилиш ташаббусини кўтарди. Хунар ўрғанишга мойиллик билдирган талабаларни эса махсус хунар-техника билим юртиларига тавсия қилди. Ўзи раҳбарлик қилаётган мактабда ҳам касб-хунарга йўналтирилган гуруҳ ташкил этди. Пировардида, мактабга лицей мақоми берилди. Мустақиллигимизнинг кўтүлүк 4 йиллиги арафасида опа раҳбарлик қилаётган бу илм маскани Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 273-мактаб "Йилнинг энг яхши мактаби" деб топилди. Ўшанда мактабнинг бир йўла тўрт нафар ўқитувчиси "Халқ таълими аълочилиси" унвони билан, олти нафари "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишонлари билан тақ-

дирланди. Илм даргоҳининг дарғаси - Мавлуда Исमतованинг ўзи эса Юртбошимиз Фармони га кўра "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" юксак унвони га сазовор бўлди.

Элга хизмат олий ҳиммат деганларидек, онага шу хизматлари ва ҳимматлари учун Ватанимизнинг Олий мукофоти - Ўзбекистон Қаҳрамони деган улуг ном ҳам насиб этди.

Ҳа, самарали меҳнат тобора қадр топа бормоқда. Мавлуда Исमतова Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партиясининг 2-қурултойида Республика Олий Мажлиси депутатлигига Тошкент шаҳри, 3-Акмал Икромов сайлов округидан номзод этиб кўрсатилди.

Ўқувчилар дарсини ўзлаштира олмас сабабини энг аввало ўқитувчидан кидирмоқ керак, - дейди М. Исमतова. - Унинг айбдорлиги - оилада болага ота-она томони-дан эътибор борми-йўқми, назорат ва тарбия муҳити етарлими ё етарли эмасми каби хижатларни текширмаслигидан бошланади. Қолаверса, ўқитувчи ўз дарсига - фанига ўқувчиларнинг барчасини бирдай қизиқтирмаслик ҳам ўзлаштирмовчиликини келтириб чиқаради. Зеро, ўқитувчи ўқувчишунно бўлиши керак... Шу сабабдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш ва таълим тизимини янада такомиллаштириб боришга оид яна қонунлар қабул қилишда фаол иштирок этиш нуримиздир.

Ўз мухбиримиз

ЛАЗИВАНИНГ ЛАЗИВ ОНЛАРИ



"ТАРХ" илмий ишлаб чиқариш акционерлик жамияти кузатув кенгаши раиси, Фидокорлар партияси Яқкасарой тумани биринчи котиби, "Фидокор аёл" ҳаракати раҳбари Лазиза Акбарованинг сайловолди дастури билан танишаймиз.

- Дастуримнинг ўзаги - Мамлакатимизнинг истиқбол ва халқимизнинг муштарак манфаатларидан иборат. Юртдошларимизни янада фаровон турмушини таъминлаш, ёшлар бахтини ўйлаш, Ватан тинчлигини сақлаш, элга хизмат қилиш - энг аввало, менинг фуқаролик бурчим;

Қайси соҳада ва қандай лавозимда фаолият кўрсатишимдан қатъий назар, мен - аёлман, онаман. Икки нафар фарзандим, олти нафар неварам бор. Жаммики, оналар таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг таянчи, юраги деса муволажа бўлмас. Мен шуларни чуқур англаган ҳолда аёлларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги ролини тағин ҳам ошириш ишига

ҳисса қўшишга бел боғладим;

Жамият негизини оила ташкил этади. Шунинг учун ҳам оилага, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган барча тадбирларни такомиллаштиришда фаол иштирокчи бўлишга ваъда бераман;

Аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий муҳофазалашни янада кучайтириб боришдек кўрсаткичларни энг олдинги сафарида бўлишга ҳаракат қиламан;

Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни юксак даражада ривожлантириш асосий вазифаларимиздан бири бўлишини мақсадга мувофиқ деб биламан...

Лазизанинг дастуридан кенг ўрин олган шу каби ва бошқа қатор мақсад-муддаолар ҳам унинг МДХ давлатлари орасида бундан уч йил муқаддам "Олтин олма" Халқаро мукофоти билан тақдирланганига яққол далилдир. Шу кунларда унинг ҳаётида яна бир лазиз оналар бошланди. У Тошкент шаҳар 25-Яқкасарой сайлов округидан Республикамиз Парламенти аълочилигига номзод сифатида сайловчилар билан бўлаётган учрашувларни муваффақиятли ўтказмоқда.

Замон АЛИ

Бир кам дунё... Мунисанинг умр йўлдоши вафот этганда ўғли эндигина атак-чекка юра бошлаган эди. Марҳум эрининг руҳи ёдини, боласини кўнглини ўйлаб бошқа турмуш қилмади.

Ўтган йил Мунисанинг ёлғизи мактабни битириб, олий ўқув юртига ҳужжат топширди. Ўғли йиққан бал шартнома асосида ўқиш имконини берди. Муниса бор имконини чўтга ташлаб чиқди. Укаларидан қарз кўтармоқчи ҳам бўлди...

Аммо ўйлавериб, миясига келаётган бу чоралар қаршисидаги муаммо олдида ҳеч нарса эди.

Унга маслаҳат беришди:

- "... Кумкўрғонга, Зумрад Хайитовага бор. "Кумкўрғонсавдо" ҳиссадорлик жамиятининг раиси. Ҳар йили ҳиссадорлик жамиятининг даромади ҳисобидан 5-6 талабани ўқитиб, элнинг неча-неча никоҳ тўйларини, суннат тўйларини ўтказиб берган. Дашддан 20 гектар ер ўзлаштириб, шовуллаган галлазор, тоқзор барпо этган, 6,5 километр кувер тортиб чекка бир кишлоққа табиий газ олиб келган. Опа ҳақиқий зумрад, унинг оstonасидан ҳеч ким ноумид қайтмайди..."

Бировдан бир нарса сўраш қанчалар оғир. Аммо она боласи учун ёнаётган ўтга ҳам қиради, деганлари рост экан.

Борди...

Салом-алик, танишув, ҳол-аҳвол сўрашлари биров чўзилиб кетди. Муниса илтимосини айтолмай кўп қийналди. Сўрайдигани бир сўм, икки

сўм бўлмас...

Кутилмаганда эшикдан кириб келган йигит жонига оро кирди. Йигит опага ўзини таништириб, оpanинг ёрдамлари билан ўқиб, олий маълумотли бўлганию, у кишидан бир умр миннатдор эканлигини айтди. Опа ўрнидан туриб, қимтини боғина турган йигитни бағрига босиб, пешонасидан ўпди.

- Эҳ-хе, сен ўзининг ўғлим экансан-ку. Ишга жойлашдингми?

- Ҳа, солиқ инспекциясида ишлаяпман. - Баракалла.

- Опа, ҳомий сифатида мана бу ҳужжатимга бир имзо қўйиб беришингиз керак экан.

- Бажону дил. Шусиз ҳам чехрасидан нур ёғилиб

ЗУМРАД

турган аёл "топилдик ўғил"ни кузатган, бутун вужуди нурга айланиб Мунисага юзланди:

- Ҳўш, хизмат, опаси айлансан?

- Менинг ҳам ёлғизгина ўғлим бор. Кўнгли ярим, отасиз ўстирдим. Ўқиши шартнома бўлиб қолди... Шунга... Сизни маслаҳат беришди.

- Бўпти, ёрдам қиламиз. Ахир булар эртанги Ўзбекистон-ку.

Опа эртагаёқ жамоа йиғилишида кўриб, ҳозирча ярим пулини, тўрт ойдан сўнг қолган қисмини ўтказиб беришини айтди.

Шунча кундан бери надоматда юриб, кўзидан бир томчи ёш чиқмаган Муниса қаршисида табассум қилиб турган да-

рёлди аёл химматини кўриб йўғлаб юборди.

- Бирингиз Аллоҳдан минг бўлиб қайтсин.

Бундан икки йиллар аввал Зумрад opанинг хонадонига бир нуфузли халқаро ташкилотнинг вакиллари-бир неча аёллар келди. Мехмонлардан бирининг ёши 65 дан ошган, ерга ўтира олмас экан. Энг ёши улуг меҳмон ўтирмаган дастурхон атрофига ҳеч ким ўтира олмади. Ҳамма хижолат бўлди, ҳаммадан ҳам Зумрад опа хижолат бўлди.

Кўлидан дунё-дунё ўтса ҳам, хаёли бўлинмаганидан, шунча дунё билан шундай тўқ назар ато этганидан Парвардигорга ҳамду сано айтиб юргувчи опа шу кун бир терлади: "Эй ўзингни ҳам озроқ ўйласанг-чи, Зумрад!" деди.

Аммо, барибир Зумрад опа ўзини ўйлай олмайди. Унинг учун пул, мону-дунёнинг қиммати йўқ. Аммо вақтни жуда қадрлайди. Умрининг ҳар дақиқасидан унумли фойдалансам, дейди. Зиммасида катта вазифалар бор-аёллик, бекалик, оналик, келинлик бурчи... Ташкилотда етмиши киши ишлайди. Ўша етмиши кишининг таъбири қувончлари... Туманда аҳоли танг бўлиб қолган одам борки, опага келади...

Зумрад Хайитованинг номзоди бу йил 149-Сурхон сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига қўйилди. Ишончимиз комилки, унга овоз берган сайловчи эрта раво бўлгувчи ҳожатлари учун, турмушига Зумрад опа тимсолида киргувчи хайру барака учун овоз беришади.

Жамила ЭРГАШЕВА

Сурхондарё

ТУФИЛГАН КУНИМДА ОВОЗ БЕРАМАН!



Мен Тошкентдаги 7-хунар техника билим юртининг 3-курс толибасиман. Мақсадим келгусида замонавий андозаларда бичилган ва тикланган кийим-кечаклар тикувчи-модельерчилик, чеварлик касбини эгаллашдир. Зеро, ўзбек аёлларига замонавий миллий кийимлар тикишни орзу қиламан.

Ана шундай орзуларим оғушида ўқиб юрибману, қувончим устига қувонч қўшилди. Яқинда шахримизнинг бир гуруҳ ёшлари - 1981 йилнинг 5 декабрида туғилган йигит-қизларни шаҳар ҳокимиятига тақдир қилиб, 18 ёшга тўлаётганимиз ва бу йилги сайловларда илк бор қатнашаётганимиз билан қутлашди. Қимматбаҳо совғалар беришди. Ҳаётимда илк бор-айни туғилган кунимда мамлакатимиз Олий Мажлисига ўтказиладиган сайловда иштирок этиб овоз бераётганимдан фахрланаман.

Орзухон СУЛТОНОВА,

7-хунар техника билим юртининг 3-босқич талабаси

ДАЪВОГАРЛАР ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

Республика Хотин-қизлар кўмитасида атоқли ширмаиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича комиссиянинг раёвбадга йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Ғуломова очди.

Ҳозиргача Зулфия номидаги мукофотга даъвогарлар - номзод қизлар сонга етмиш нафарга етди. Галдаги вазифа - улар ичидан энг қобилиятли, зукко ва иқтидорлиларидан 14 нафарини танлаб олиш. Танлаш ва саралаш жараёни 2000-йилнинг 25 январига давом этади. Унга қадр номзодлар юборган илмий, ижодий ишлар республика оммавий ахборот воситаларида chop этилади.

Хонбиби ҲИММАТ қизи, ўз мухбиримиз

АЁЛНИ УЛУҒЛАШ - ҲАЁТНИ УЛУҒЛАШДР

Шайхонтоҳур тумани К. Турдиев номи 59-ўрта мактабда Республика Маънавият ва маърифат марказининг бўлим бошлиғи Турсуной Содикова билан учрашув бўлиб ўтди. "Аёлни улуғлаш - оилани, Ватани, ҳаётни улуғлашдир" мавзюида ўтган ушбу учрашувда нотиқ жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги, аёлларга бўлган муносабат ҳамда аёлларнинг ҳаётдаги эрки, ҳуқуқи билан ўлчаншини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, ушбу кечада Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятидан С. Холиқова, Марказ-14 маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раисаси М. Тиллабоева, маҳалла оқсоқоллар кўмитаси раиси Т. Муслимов ва бошқалар иштирок этишди.

М. ШАРИПОВА, Ўзбекистон халқ маорифи аълочилиси, олий тоифали ўқитувчи

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Куни кеча Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ўқув-услубий марказида Испания Қизил Чочи ва Испания Халқаро Ҳамкорлик агентлиги ёрдамида ташкил этилган аҳолини биринчи ёрдам кўрсатишга ўқитиш ҳамда кам таъминланган оилаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази очилиши муносабати билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ушбу тантанали маросимни Ўзбекистон Қизил Ярим ой Жамияти Миллий кенгашининг раиси Ў. Воҳидова кириш сўзи билан очди.

Инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда Ўзбекистон ҚРОЖ аҳоли соғлигини сақлаш, уларга фақулдада тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича жуда кўп ишларни амалга оширмоқда.

Айни пайтда ўқув марказида ташкил этилаётган ушбу тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказининг мақсади аҳолини биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга, турли хил фақулдада вазиятларда ўзини тутишга ўргатиш, тиббий санитария-гигиена билимларини тарғиб этиш, аҳолининг кам таъминланган қатламга моддий ёрдам кўрсатишдан иборат. Ҳозирги кунда Тошкент, Нўкус, Самарқанд, Фарғона, Термиз ва Навоий шаҳарларида тиббий-ижтимоий ёрдам марказлари ташкил этилган.

Марказнинг очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Ҳ.С. Кароматов қатнашди ва сўзга чиқди.

Ф. ТОҲИРОВА

ЭНГ ГЎЗАЛ ДАМЛАР ОЛДИНДА

“Севибману, севилмабман” - 19-сон

Эслатма: Йўлда кетаётди бир йигитни учратиб қолдим. Очиғи уни севиб қолгандим. Лекин, бизни бирга кўрганлар мени йигитнинг она-сига роса ёмонлабди...

СУЛТОНА

Синглим Султонахон! Мақолани ўқиб 2-3 кун давомида ўз кўнглимда сизга маслаҳат бериб юрдим. Лекин ёзишга келганда ўйланиб қолардим. Маслаҳатим ёқармикан, шунга амал қилармикан деган хаёллар кўнглимдан ўтарди. Ўзингиз ёзганингиздек, сиз оилада ўжарроқ ва эрқароқ ўсган экансиз. Гапларим оғир ботмасин, мен сизнинг табиатиңизни билмайман. Ҳарқалай маслаҳатини ўйлаб кўринг.

Йигит билан ўзингиз гаплашмоқчи ва унга тушунтирмоқчи бўлибсиз. Менимча, бу ишингиз бефойда. Сиз унга нимани тушунтирасиз: қўшингиз ёл-гон гапириб тўхмат қилаётганини ёки уни севиб қолганиңизни? Бу йўл билан унга

эриша олмайсиз, аксинча йигитни кўнглида ўзингизга нисбатан янада ёмон хаёллар ва гумонлар уйғотишингиз мумкин. Қиз болалик гурури ва қадрингизни сақланг, ўзингизни хор қилиб йигит билан гаплашманг. Агар йигитни кўнглида сизга нисбатан озгина илиқлик бўлганида эди, қўшининг гапига ишонмаган ва сизни яна бир бор учрашувга таклиф қилиб синаб кўрган бўларди. Кўрганда сиздан ўзини олиб қочадиган йигитга нимани тушунтирасиз? Фақат ўзингизни севингиз билан ҳеч нарсага эриша олмайсиз, йигит кўнглига эса мажбуран севгини соломлайсиз ҳам.

Бу гапларни албатта турмуш тажрибаларимдан келиб чиққан ҳолда айтаяпман. Турмуш курганимизга 5

йил тўлади. 4 ёшли ўғилчамиз бор. Биз севишмасдан, совчилар орқали турмуш курганимиз. Худога шукр, оиламиз тинч ва осойишта. Турмушимиз гўзал ва лаззатли. Бир-биримизга меҳру-муҳаббатимиз баланд. Доимо бир-биримизни тушуниб яшашга интилиб, қаерда бўлсак ҳам биргаликда баҳамжихат иш олиб борамиз. Севиб турмуш курмаган бўлсак-да, севишганлардан кам эмасмиз. Оиламизга меҳру-муҳаббат тортиқ этган, бизларга фарзанддек неъматни ато этган Аллоҳга ҳар соғина ҳамду санолар айтаман.

Синглим Султонахон, сизга ҳам маслаҳатим бошқа йигитга турмушга чикинг. “Уни кутайми?” дебсиз, йўқ, уни асло кутманг, у ҳақда асло ўйламанг ҳам. У сизни тушунишни истамаяпти, демек сизга муносиб ёр бўла олмайди. Уртангизда ҳеч қандай муносабат йўқ-ку, ҳали очилмаган севгини эҳтиёт қилинг.

Бошқа йигитлар билан танишиб, учрашиб кўринг. Сизни тушунган ва қадрлаган йигит билан ҳаётингизни боғланг, ҳаётнинг ширин онлари-

дан баҳра олинг. “Пешонам шўр экан” дебсиз. Йўқ, бу пешона шўрлиги эмас, ҳаётнинг бир кўриниши ҳолос. Чинакам ҳаёт синовлари эса ҳали олдинда. 18 яшар қизча эмассиз-ки, ўзингизни ўзингиз қийнаб юрсангиз. Ота-онанингиз ҳам, ўзингизни ҳам кўп қийнаманг. Умрингизни бекорга ўтказманг, яхши сифатларга эга бир йигит билан тезроқ турмуш кўриб, уни севинг ва ардоқланг. Шириндан ширин фарзандлар кўринг, ҳаётнинг энг гўзал ва лаззатли онлари ҳали олдинда. Сиз уни ўз кўнглиңиз билан яратинг. Ана шундай тотли дамларни бошингиздан кечираётганиңизда бўлган воқеани эслаб ўзингиз пушаймон бўласиз, қилган ишларингиздан уялиб ҳам қоласиз. Ҳаётнинг қизин лаҳзаларига интилинг. Аллоҳнинг оила деб аталмиш улуг неъматидан бенасиб қолманг. Ўша пайтда Яратганга шукроналар айтишни унутманг. Сизга бахт ва саломатлик тилаб қолувчи онаңыз,
УМИДАХОН

ДАДАМ КИТОБГА ЎЧ ЭДИ

“Китобсиз яшаб бўлмас” - 41-сон

Эслатма: Умрида бир марта китоб ўқимаган боланинг келажағи нима бўлади? Бу маънавий қашшоқлик бўлади дегани эмасми?

О. ШАРОФУДДИНОВ

...Ёшлигимда мени “китоб жинниси” дейишарди. Хоҳ овқатланмай, хоҳ йўлда кетаётган бўлмай албатта ёнимда китоб бўларди.

Адамлар китобга ишқибоз эдилар. Газеталардан 5-6 хилга обуна бўлардилар. Улар ўқиғач, сўнг менга қоларди. Ухлмасдан ўқиб чиқардим. Далада тугилиб, ўсганман. Далага кетаётган пайтимдаям йўлда китоб ўқиб кетардим. Адамлар ҳам анча-мунча китоб йиғгандилар. Айниқса, Деҳлавий китоблари (шеърлари) кўп бўларди. У узумни “май, бода” деб таърифлагани боис, бизнинг уйдаям бочкалаб узумдан мусаллас қилишарди... Ўша пайтлар Абдулла Орипов, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов китоби қўлма-қўл бўлиб кетарди. “Шарқ юлдузи”га жуда ишқибоз эдим. Мактабдошу синфдошларим мендан турли китобларни сўраб келишарди. Мен эса ўзимча бундан гурурланиб турардим. Мен мактабдан келгач, далага чиқардим, узумзор, олмазор гектарларимиз бор эди. Ота-онамга қарашиб, ўша ерда бирпасгина дам олишга ўтирсам ҳам китобга ёпишардим. Эҳ, у дамлар!..

Ҳозир мен кап-катта хотинман. Қизлик уйимга бориб, албатта 1-2 та китоб кўтариб келаман, китобни кўмсайман, бир ўқишга тушсам, “нима билан турганин” деб астойдил берилиб кетаман, ташиб-ташиб, келинлик уйимда китобларни йиғволдим...

Юрагим сиқилган пайтларда ўқиб-ўқиб кўяман... Бозорга тушсам китоб расгаларини айланаман. Фабрикада ишлайман. Қизлар, келинлар менда китоб борлигини эшитиб, 1-2 кунга сўрашади. Бераман. “Бу ки-

тобларни қандай йиғгансиз, “Минг бир кеча”, Достоевскийнинг “Телба” сиям бор экан”, - деб хайратланишади.

“Ҳеч ким китоб ўқимайди”, деган фикрга мен қўшилмайман. Кап-катта хотинлар вақт топишарди, эрталаб ношушта тайёрлаб, болаларни боғчага, мактабга кузатиб, сўнг ишлаб келиб, овқат, кир-чир, идиш-товоқ, сўнгра китобга шўнғиймиз. Мен хотинлардан “ўқишга вақт топишарми?” деб сўрайман. “Вой, сиз вақт топганда биз топмаймизми, ухлмасасак ҳам ўқиб чиқамиз, китобингизни қизганманг”, - дейишади.

...Чоршанба кунлари иш пайтида секин чиқиб “Оила ва жамият”ни сотувдан олиб келаман. Бу газетаям фабрикада қўлма-қўл бўлиб кетади. Бош-қасини ололмасак ҳам “шунисидан қўямасин”, - дейман. Сонларини йиғиб юрарман. Шу газетани ҳафтада икки марта чиқарса бўлмайди? Чоршанбадан-чоршанбани пойлаб кунлар тезроқ ўта қолса дейман. Олиб ўқимасан яна бўлмайди. Жиннига ўхшаб қоламан. “Китоб жинниси”дан “газета жинниси”га чиқдим, товба! 40-сондаги “Муҳаббатни қалқон қилма...” (Холида Аҳмедова) мақоласи зўр ёзилибди. Қайта-қайта фабрикадаги хотинлар билан ўқиб муҳокама қилдик. Ўзини бошидан ўтгандир-да, бўлмаса бунчалик ёзолмасди. Қисқаси, ёзган жавобига ҳаммамиз қойил қолдик. Офарин! Худога шукр, ҳаммаси аста-секин яхши бўлаяпти, уйимда кутубхона очилди ниятим бор. Бошқаларда йўқ китоблар менда бор, шу мени гурурлантириб қўяди. Яна-яна китоб излашга ундайди.

Матлуба ҲОШИМОВА
Тошкент шаҳри,
С. Раҳимов тумани

ПУЛ ТОПИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

“Эҳтиёт бўлинг, фирибгар” - 26-сон

Эслатма: Бир киши хонада ишлаётган аёллар олдига кириб, кафтидаги олтин узукни арзонга сотишини айтди. Унинг арзонлигидан шубҳаланганлар узукни текширтиришди. Узук эса... қалбаки бўлиб чиқди.

Ф. ТОХИРОВА

Бу мақолани ўқиб, яқинда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани эсладим.

Кунларнинг бирида Жиззахдан меҳмондорчиликдан (Жиззахда опам яшайди) қайтаётди автовокзалга келдим. Шохбекатда турган “Тошкент-Самарқанд” йўналишидаги автобус Самарқандга жўнаётган экан. Ана шу автобуга чиқдим. Автобусда одам тирбанд, шофёр эса Самарқандга борувчилар орқага, йўлда тушувчилар олдинга чикинлар, деб яна одам қақиради. Автобус ўн минутлар чамаси вақтдан кейин ўрнидан жилди. Жиззахдан чиқиб, Бах-

малга келганимизда бир киши йўловчилардан йўлқира ййга бошлади. Кимдир Самарқандга, кимдир Жомбойга, яна кимдир Булунгурга деб йўлқира бера бошлади. Шулар қатори мен ҳам Самарқандгача йўлқира ҳақини бердим. Автобус йўл-йўлақай одам тушириб, одам олиб Самарқанд томон кетарди. Бир пайт биз Булунгурнинг бир бекатига келиб тўхтадик. Шу ерда бир киши тушмоқчи экан. Шофёрнинг ёрдамчиси ундан пул сўради. Ўша одам бўлса, “Яна пул олсанми, боя берувдимку”, - дер, шофёр бўлса ҳайрон бўлиб. - “Мен

ҳали пул териб чиққанам йўқ-ку. Фақат йўлда тушувчилардан тушишда пул олиб қола-йпман”, - деди.

Ҳамма ҳайрон. Биз ҳам йўлқира ҳақини бир одамга бериб қўйгандик-да. Автобусда эса биздан пул олган ўша одам йўқ эди. Шофёр билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ўша фирибгар гўёки ўзини “шофёрнинг ёрдамчиси” кўрсатиб, одамларни алдаб пул олиб Булунгурга келгунча тушиб қолган экан. Қаранг-а, пул топишнинг ана шундай усули ҳам бор экан. Эй, одамлар, эҳтиёт бўлинг, фирибгарнинг анга шундай усулига ҳам алданиб қолманг.

ҲОШИМ ОРЗИҚУЛОВ
Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани, Му-соқоқ қишлоғи

ДАДАНИНГ ДАДАСИ СИРА ВОЗ КЕЧМАНГ

“Ўша бир аёлни деб...” - 34-сон

Эслатма: 15 ёшга кирган бўлсам-да, отамнинг суюб эркалаганини эслаб олмайман. Бир хотин сабаб бўлиб у бизлардан совиб кетган.

Д. ТОШКЕНТ Ш.

Синглим, сизни бу ёзган дам изҳорингизни ўқиб, озгина бўлсада дардингизни энгиллаштириман деган ниятда шу мактубни ёзишга қарор қилдим. Авваламбор ҳар бир ота-она фарзандларини уради, сўқади. Шулар ёмон йўлдан юрмасин, келажакда ёмон кишилар бўлиб етишмасин деб,-бу уларнинг ота-оналик бурчи. Аммо сизни дадангиз қандай бағритош инсон эканларки, ўз фарзандларини кўзини ёшлатиб, беҳудадан беҳудага урсалар. Синглим, ҳаммасига бардош беринг. Сиз дадангиздан воз кечишга ҳам, у аёл билан гаплашишга ҳам ёшлик қиласиз. Сиз ҳали ёшсиз, шунинг учун ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўллари ҳам борлигини билмайсиз. Дадангиз ҳам кенг фикрловчи, келажакларини ўйловчи эркак эмас эканлар. Менимча ҳар қайси эркак, мард, ҳаётни тушунадиган, эсли, ҳушли бўлса, фарзандларини тирик етим, ота меҳрига зор қилиб, ҳаёсиз, ибосиз аёллар кетидан эргашиб кетавермайди! Синглим, дадангизга Худо инсоф бериб қолар, лекин ана ўшанак энгиллат аёлларга ҳеч ҳам гап қор қилмайди. Уни олдига бориб юрманг, у турли хил хангомалари билан сизни ҳам ҳаётингизни захарлаб юбориши мумкин. Агар у ақлли, ҳаёли, ўйловчи аёл бўлса эди, оиласи бор эркак билан, яъни сизнинг дадангиз билан юрармиди?

У аёлнинг кўзларига сизнинг ёш тўла кўзларингиз, ғам тўла юрагингиз, маънос чехрангиз кўринмайди. Унақа аёллар ҳаётни фақатгина пул билан ўлчайдилар. Худонинг берган яхши кўнига шукр, ёмон кўнига эса сабр қилинг! Энди сиз фақатгина онаңыз билан маслаҳат қилинг. Кўзин-

гизни ёшлаб у кишининг ҳам ғамдан тўлиб кетган юракларини эзманг. У кишини кўнглиларини кўтаришга ҳаракат қилинг! Дадангиз вақти келиб ҳаммасини тушунадилар ва қилган ишларидан пушаймон бўлиб юрадилар. Дадангиз шундай бўлсалар-да, сиз ўзингизни мағрур тутиб ўзбек қизларимиздек ҳаёли, ибосли, ақлли қиз бўлиб етишингиз. Катта ишга шошилманг, ахир нарвоннинг энг юқори поғонасига ҳам бирданига чиқиб бўлмайди-ку...

Ҳамма ниятларингизга ҳам секин-асталик билан эришасиз. Дадангиздан сира воз кечманг. Инсонга ота бўлмаса у гўёки қаноти синган қушга ўхшаб қолади. Синглим, минг ёмон бўлсалар-да у киши сизни дунёга келтирган падари бузрукворингиз ҳисобланадилар, шунинг учун у кишини қарғишларини олманг. Ҳали яхши кунларингиз олдинда. Мени айтди дерсиз, дадангиз ҳам инсофга кириб, ўйнаб-қулиб юрадиган даврларингиз ҳам албатта келади. Фақатгина сиз сабр-тоқати, иродати қиз бўлинг!

Отам сўзини сийдирмай деб ўзи синган,
Ёт қўлида узилган қиз, бечора қиз.
Ич-ичида айтолмаган сўзи синган
Кўзида ёш тизилган қиз, бечора қиз.
Билломалиман сени қандақ юпатмоқни,
Ундан кўра елкамга қўй Боботогни.
Энди сабр ювсин дилингдаги доғни,
Дунёлардан узилган қиз, бечора қиз.

Садокатхон АБДУЛЛАЕВА
Ғийдувон тумани

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР



Суюкли фарзандларимиз ХАСАНЖОН ва ХУСАНЖОН!

Сизларни 5 ёшга тўлишингиз билан қутлаймиз. Оллоҳдан соғлиқ тилаймиз!

Ота-онангиз, буви ва буважонингиз



Азиз қизимиз ФАЙЗУЛЛАЕВА Шахноза Исмаиловна!

Мучал ёшинг - 13 га тўлишинг муборак бўлсин. Бахтимизга соғомон, оқила қиз бўлиб улгайгин!

Оила аъзоларинг

Жигарбандимиз Халимахонов АҚРАМ қизи!

Таваллуд кунингиз қутлуғ бўлсин. Хонадонингизга бизни бошлагувчи меҳр ришталари узулмасин. Азиз ота-онанингизнинг пок руҳлари сизни ҳамisha қўллаб юрсин.

Сизни эъозлагувчи ака укаларингиз, она-сингилларингиз

Қадри Хошимжон ДОСМАТОВ!

Сизни 40 ёшингиз-ла қутлаймиз. Соғлиқ, узоқумр, ҳаётда ҳеҳиз омадлар тилаймиз.

Оила аъзоларингиз номидан Фиёсиддин

ОИЛА - 543

Оққўрғонлик, 47 ёшли, уй-жойли, оиласидан ажрашган, ҳайдовчи йигит 30-40 ёшлардаги 1 ёки 2 фарзанди бор аёл билан танишишни истади.

Озишдан, семиришдан, қабзиятдан ва хуснузарлардан қутулишга ёрдам берамиз.

Тел: 74-71-29

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАМИ ОНАХОН

Меҳрибон онахонимиз Мулло Ботир қизи Гавҳар отин тўрт ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказган. 57 та набира, эвара, чевараларнинг меҳрибон момахони ҳам.

Бундан ташқари меҳрибон онамиз Гавҳар отин халқ табобатининг билимдони ҳам ҳисобланадилар. Хўжанд вилояти Ж.Расулов туманининг аксарият аҳолиси онамизни яхши танишади. У киши шифобахш тоғ ўсимликлари, гиёҳлари билан даволайдилар. Бир гал онамизнинг ўзи ҳам касалга чалинди. Гап шундаки, кекса онамиз бурунлари ичига куйдирги чиқиб, азоб берарди. У киши биз-ўғилларига: -Мени дўхтирга кўрсатаман, деб овора бўлманлар, худо хоҳласа дардимга ўзим шифо-малҳам топаман, тўғриси ўзимни-ўзим даволайман. Ана кўрасизлар, бир ҳафта ичида куйдирги чекинади, -дедилар.

Биз ҳам онахонимиз раъйига қарши бормадик. 1997 йилнинг тун ярми. Ҳамма уйкуда. Гавҳар отин ўзи кундуз кунлари ҳозирлаб қўйган иккита учли миҳни чўгдек қизиб турган электр плиткасига обдон тоблаб, миҳни қип-қизил чўққа айлантарибдилар. Қизил чўққа айланган миҳни онамиз эҳтиёткорлик билан бурунлари ичига чиққан куйдирги ярасига тегишиб аста-аста куйдирибдилар. Бу муолажа 3-4 кун давом этибди. Бу чинакам жасорат, матонат эди. Тасаввур қилинг-а, кекса кампирнинг қўли қалтирамай, вужуди кўрқинчга бормади қаттиқ оғриқ азобиغا чидаб, бурун тешиги ичига чиққан куйдиргини чўғли темир миҳ билан куйдиришини... Биз ўшанда онамиз нақадар матонатли, иродали уста табиблигига, донолигига қойил қолдик.

XI асрни тетиклик, шоду хуррамлик билан болалари, неваралари, эвара, чеваралари билан кутиб олаётган доно, оқил, меҳри дарё оназоримиз мулло Ботир қизи Гавҳар отинга узоқ умр тилаб қоламиз.

Фарзандлари номидан
Мажид ҲАСАНИЙ

"Оила ва жамият" газета редакцияси ўзининг асосий манзилидан (Амир Темури кўчаси 1-тор кўча, 2-уйнинг 4-қавати, Олой бозори ёнида) ташқари Матбуотчилар кўчаси, 32-уйнинг 6-қаватидаги 609-хонада (газеталар корпуси) ҳам ҳар куни табрик, эълон ва рекламаларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан қабул қилади.

КЕКСАЙГАНДА ЁЛГИЗЛИК ОФИР

Асли Тошкентликман. Ёшим 70 га етгунча барча ўғил қизларимни уйли-жойли қилдим.

Оллоҳга минг шукрки, кампирим билан муқаддас ҳаж сафарига ҳам бориб қайтдик. Бирок!.. Кампиримнинг умри қисқа экан, вафот этди. Кексаликнинг шомиди ёлғиз қолдим. Агар бир ёлғиз, солиҳа аёл бўлса бирга умргузаронлик қилишга рози эдим.

Тошкентлик Ҳожи ота

«ДИЛОРОМ»
ўқув маркази тақлиф этади:
2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардушлик - бухороча.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А" - уй,
1-қават, 114 - хона
Тел: 144-03-25; 125-19-15.
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

УЛТАРМА ҲАНГОМАЛАРИ ИҚТИСОД

Ултармаликлар қовун ёмоқчи бўлса хомини сотиб олишади. Биринчидан арзонга тушади, иккинчидан кам истеъмол қилинади, учинчидан чорва ҳайвонига кўпроқ пўчоғи қолади.

ХАЙРАТ

Ултармадан яна шоир чиқибди деса ҳеч ким ҳайратланмайди, лекин фалончининг оиласидан шоир чиқмаган деса, барча ажабланиди.

МЕНИ ТУШУНАДИГАНЛАР БОРМИ?

Мен Қашқадарё вилояти Қамаш шаҳриданман. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги ёшлар ётоқхонасида яшайман. Ун тўрт йил олдин шаҳримизда очилиш мудирилик курсида ўқиб юрганман бирга ўқиган қизга кўнгли қўйган эдим. Ўқини тугатиб, ўша қизнига "совчи юбордим. Уйдагилар розилик бермади. Шундан бошқасига уйланмайман деб, ресторандан ёрдамчи ошлаб бўлиб ишладим. Орадан бир йил ўтган, ўша қизнинг отаси уйимизга келиб, отамга: "Мен розиман, қизимни ўғлингизга бераман", - дебди. Тўйдан олдин қиз билан учрашмоқчи бўлдим. Аммо янгалар уни кўрсатишмади. Бир ҳафта ичида тўй бўлиб ўтди. Тўйдан сўнг менинг орзуларим барбод бўлди. Чунки,

мен ёқтириб уйланган қизнинг олти ойлик хомиласи бор экан. Ҳаётга бўлган қизиқимин йўқолди. Ажрашдим. Сўнгра 12 йил ўтгандан сўнг уйланиш учун сарполар йигдим. Аммо, отам уйланадиган бўлиб қолди. Алоҳида уй сотиб олишга мажбур қилди. Биз беш фарзанд ота-онамиздан қолган уйда яшаймиз. Ниҳоят мен қўшни маҳалладаги бир жувонга уйландим, аммо қувончим узоққа чўзилмади. Муносабатларимиз тўғри келмай ажрашдик.

32 ёшга кирдим, ёлғизман. Ҳаётда мен каби адашган аёллар бўлса, битта ёки иккита фарзанди бўлса ҳам майли, ҳаётимни бошқатдан бошламоқчи эдим. Мени тушунадиганлар бормикан?

Н.М.

"ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ"

Ултармаликлар овга чиқиб кетишадиганда, албатта ўзлари билан икки қилоча қўш ҳам ола кетадилар. Билиб бўладими, ов юришмай қолса чатоқ, шунинг учун олдиндан "эҳтиёт чорасини" кўрган яхши-да!

БАНГИДЕВОНА "ҲУЖУМИ"

Ширин тоға билан Абдухалил аканинг ер участкалари ёнма-ён жойлашган эди. Бирининг чорбоғи обод, иккинчисининг ери бегона ўтларга макон экан. Шу сабабдан Абдухалил ака дадасидан ҳар кун дакки эшитар экан. У ҳар қанча ҳаракат қилмасин бангидевона ўтлардан қутулишга имкон тополмабди. Пишиқчилик келиб, Абдухалил ака бари бангидевона уруғларини йиғиб, кечаси Ширин тоғанинг томорқасига сепиб чиқибди. Бу орада қиш ўтиб, баҳорга ҳам етиб келишибди. Абдухалил ака билан Ширин тоға томорқаларида учрашиб ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг, у гап бошлабди: "Бу бангидевона деганлари уругини 20 метргача отаркан!"

- Бўлиши мумкин, лекин, келиб-келиб фақат мени ерим томонига отилганига ҳайронман, -дебди Ширин тоға томорқасидаги бангидевоналардан кўз узолмай.

Жаҳонгир ФОЗИЛ

ЕТТИ ХУНАРМАНД ҚЎЛИ ТЕККАН БЕШИК БУ!

Бешик қадим халқимизнинг энг ардоқли, энг азиз, энг муқаддас қадриятларидан бири. Бешик қандай тайёрланади? Бешик тахтасини ҳарротлар одатда (ва асосан!) қайишувга мойил тут дарахти ёғочидан (пишиқ ва қаттиқ бўлгани учун) тайёрлашади. Тут беҳиз танланмайди: у тўкин-сочинлик рамзи ҳамдир. Қолаверса, ёғочга қурт тушмайди.

Тувакни қуллолар, сумакни эса дуррадгор йўнвучи усталар ясашган. Болани дунёга ошно қилиш, тева-**МАСЛАХАТХОНА**- рак-атрофга қизиқтириш мақсадида моҳир наққошлар бешикни камалак ранглар, турфа гуллар сурати билан безашган, кейин у момолар қўлига ўтади. Улар бешик ичига шолнинг қовуғи, яъни пўстлоғи (қўбиз, баъзи жойларда тарик) тикиб катта-кичик тўшақчалар тикишган. Уртик ва ёлпичқлари ҳам табиий матолардан: бахмалу шойлардан тикилган. Эътибор беринг, битта бешикка бола камолини ўйлаб тут ўстирган деҳқон, ҳаррот, қулло, дуррадгор, наққош, шолнинг қовуғини ажратган ёки тарик ўстирган бобо, тикувчи момо меҳнати сингган. Етти хунар - етти касб эгасининг қўли тегади унга.

Етти рақамининг хосияти бор. Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" асарига етти олам, етти гўзални таърифлайди. Етти иқлим, етти ҳазина, етти мўъжиза, етти оғани ботирлар, етти қават осмон, етти қават ер сўзларининг келтирилиши беҳиз эмас. Етти хунарданнинг қўли теккан бешикда ўсган бола соғлом ўсиб, уйқусида оромли тинч бўлади, тагини ҳам қўп ҳўлламайди. Қўбиздан тикилган тўшақчалар боланинг терлаб кетишига йўл қўймади. Қолаверса, у ўзига хос массаж вазифасини ҳам бажаради. Хуллас, "Бешикда улгайган боланинг қомати тик ўсади ва бир сўз билан айтганда "қўндоқда-ёқ тартибга ўрғанади", - дейди момолар. Момоларнинг билгани билган!

Р. ЗАРИПОВА

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" ЎГИТНОМАСИ

Эй, инсон дённат, иймондан сўйла, Ғарибу, мискиннинг кўнглини овла. Зулумкор, ноинсоф бўлмагин ҳаргиз, Кеч бўлмай охират азобин уйла...

Дилинга меҳрни кўпроқ солдингми?! Мискин ғарибнинг кўнглин олдингми?! Ёки хирс қўйибон бойлик, амалга, Элу-юртни писанд қилмай қолдингми?!

"Ғамгузорман", - деган ёр ташлади, кетди, Дилимга аламдин заҳматлар етди. Кўнглим оинасин чил-чил синдириб, Юрақни куйдирди ва ҳароб этди...

Кўзимга тор кўрсина олам, Юрагимни эсса дард, алам. Дилгинамнинг таскини эрур, Ғамгузорим, мунисам она...

Дўстингни ортидан отмагил кесак, Донолар ўгитин эсда тут бешик Қулар бўлсанг агар дўст қисматиға, Унда сен ё нодон ва ёки эшшак..

Эркин ҲАЁНБОЙ ўғли

ЭЛИНГДА БУЛБУЛИНГ БЎЛСИН...



Ўзбекистон халқ шоираси, "Саодат" журналі Бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева билан суҳбат.

- Ойдин опа, Сиз бир шеърингизда: Мен обрў-шонини топдим мисқолаб,

Меҳнат йўлларида зарралаб топдим, дегансиз. Бу йўлларда сиз ранжу аламга ҳам, қувончу шодликка ҳам кўп бор дуч келгансиз. Балки, шунинг учундир Тангриданми, бандаданми келган катта-кичик сийловлардан қаттиқ қувониб кетмайсиз. Шукрона айтиб, тақдирнинг навбатдаги синови, имтиҳоними ё инъомими дея кутиб оласиз. Аммо сиз Навоий вилояти ҳокимлигидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифи илк бор эшитганингизда бир бошқача суюндингиз...

- Одам боласи ўзи туғилиб ўсган тупроқнинг бир парчаси. Менга Ўзбекистоннинг ҳар қаричи азиз. Аммо ота-боболарим хоки ётган маскан барибир ўзгача. Ҳар гал Навоийга кириб борарканман, юрагим бошқача ура бошлайди. Энг катта қувонч кутиб турганга ўхшайди мени ўша тупроқда. Оёғимни ерга боссам, терак, толларига қўл теккисам, силасам, юртдошларим билан дийдорлашсам, ич-ичимни оловлантириб турган ташналик, соғинч бир қадар босилгандай бўлади. Ҳар таниш-чеҳрадан отам, онаминг исини туюман. Балки, ана шу ҳеч қайси ҳиссиётга ўхшамаган туйғулар билан юрагини бойитиб тургани учун, соғинччи, дийдор шодликларини унуттирмагани учун одам ўзини доим она тупроғидан қардор ҳис

этади. Мени 75-Навбахор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олишди. Буни элдошларимга яқин бўлишнинг, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчимни бажаришнинг янги бир, яхши бир имкони деб тушундим.

- Сиз ҳар доим эл хизматидасиз, ҳар доим улар олдида ўзингизни масъул ҳис этасиз. Аммо, Олий Мажлис депутатлиги жуда катта масъулият. Номзодингизнинг рўйхатдан ўтиши албатта, сизга янги фикрлар, янги йўналишлар бергани аниқ.

- "Саодат" - қутлуғ даргоҳ, Шу табаррук жойда ишлашнинг, жаннатмакон устозимиз Зулфияхонимга муносиб шоғирд бўлиб юришининг ўзи менга катта бахт.

Президентимиз камтарона меҳнатларимни катта тақдирладилар - шу йил "Эл-юрт ҳурмати" орденига муносиб кўрдилар. Бу мен учун ниҳоятда улуғ эътибор, улкан ишонч. Мен мана шу икки сийловнинг ўзи учун ҳам бор иқтидорим, бор қувватимни халқим, юртимга, истиқлол мустақамлалишига бахш этаман. Албатта, Олий Мажлис депутатилик - бу мансаб эмас, бу иш, бу фидойилик, бу жонқуярлик. Мен шу кунларда Навбахор ва Қизилтепа туманида менга ишонч билдирган ҳамюртларим билан учрашиб, уларнинг юракларига қулоқ тутиб юрибман. Ўзимнинг сайловолди дастурига уларнинг эҳтиёжлари, таклифларини сингдираяпман.

Баъзи хорижий давлатларда боғча тарбиячиси, мактаб муаллимлари жуда катта танлов асосида ишга қабул қилинаркан. Бу нимани билдиради? Мураббийлик, муаллимликнинг қадри баланд эканини билдиради. Бизгям бугун ана шундай қадрни яратадиган қонунлар керак. Агар боғчадан, мактабдан фарзандларимиз тарбиясини тўғри ўзига солиб юборсак, эртаимиздан хотиржам бўламиз.

Боғча, мактаб муаммоларини тўғри ечиш ҳам дастуридаги бош йўналишлардан бири...

- Ойдин опа, сиз биринчи навбатда шоирасиз. Яхши ярогингиз сўз. Уйғоқ сўз халқнинг юрагини уйғотади. Уйғонган элнинг булбули бўлсин ҳар ким. Шундай экан, сизга омад, шоир ярогингизга тўзим, тоқат тилаймиз.

Қ. РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди.

БИР УМРЛИК МАҚСАД



Бундан анча муқаддам мамлакатимиз олима аёллари ҳақида "Ойнаи жаҳон"га туркум кўрсатувлар тайёрлайдиган бўлдим. Бундай пайтда, биласиз, ҳар гал ҳам муносиб қахрамонлар топиш осон кечавермайди... Ўйлаб-ўйлаб, иқтидорли ёш олималардан бири - филология фанлари номзоди, доцент, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти проректори Гулмуром Тўйчиевани танладим. Кўнғироқ қилдим. Ниҳтимни айтдим...

Гулмуром билан танишувимиз илк бор ана шундай бошланган. Кейин-кейин мен унинг руҳий дунёсини ҳам, илмий-ижодий лабораториясини ҳам чуқур ўрганиб, ўзи билан яқин маслақдош бўлиб қолдик: фикрлар равшан, ифодалари гўзал, овози тиник, суҳбати мазмунли ва чиройли...

- Мамлакатимиз равнақи ва жамиятимиз маънавиятининг юксалиши, - деди у бир гал ўзаро гурунгда, - кўп жиҳатдан ёш авлодининг интеллектуал салоҳияти билан камолот даражасига боғлиқ. Шу босими, ёшлар қобилиятини Ватан ва миллат манфаатларига йўналтириш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир...

Бугун айнаи шу фикр "из"ларини мен уни ўзининг талабалик йилларидан бошлаб бугунгача босиб ўтган ҳаёт ва меҳнат йўлида кўриб турибман.

Гулмуром Тошкент Давлат Университетининг шарқшунослик факультете-

тини аъло баҳоларда тугатганида, илмий ишлари аллақачон тўпلامларда чоп этилган ва талабалар анжуманларидаги мазмундор маърузалари билан тилга тушганди. Шунинг учун уни университетда олиб қолишди. Аспирантурани битказиб, фан номзоди унвонини олди. Амир Хисрав Дехлавий шеърятини ўзбек адабиётига олиб кирди. Хиндистонда яшаб, форс тилида ижод этган миллатдошимиз билан элни таништирди. Шу кунларда эса у "Амир Хисрав Дехлавий арузи" мавзусидаги докторлик ишини ҳам химояга тайёрлаб қўйди.

Гулмуром Тўйчиева жамоат ишлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Институтнинг "Шарқ машъали" - "Маяк востока" журналларининг бош муҳаррири ўринбосари. "Фидокорлар" миллий демократик партияси Марказий кенгаши котиби. 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ишлари бўлимида фаолият кўрсатиб, "Мустақил Ўзбекистон хотин-қизлари" китобини ёзиш ва нашр этишда фаол иштирок этди. Оилада меҳрибон она, гамхўр рафиқа. Турмуш ўртоғи, иқтидорли олим Муҳиддин Маҳмамов билан икки ўғилни тарбиялаб вояга етказмоқдалар.

...Яқинда мен Гулмуром Тўйчиевани Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзоди кўрсатилган 45-Избоскан сайлов округига (Андижон вилояти) жўнаётган кезларда учратиш қолдим. Мен ундан сайловолди дастурининг бош мақсадини сўрадим.

- Чинакам тараққиётга ва жамият маънавиятининг юксалишига фақат эркин фикрловчи, ҳаётга мустақил назар ташлайдиган, инсонийлик бурчи ва Ватан олдидаги масъулиятини теран ҳис қиладиган баркамол шахслар орқалигина эришиш мумкин. Дастуриمنىнг бош мақсади - шу, - деди у қатъийлик билан.

Мундоқ ўйлаб қарасам, унинг бу мақсади ҳўў, бир галдаги гурунгимизда айтган фикрга ҳам айнан ўхшаш, айнан Ҳамадан ва айнан ўзи эди. Демак, бу - унинг бир умрлик мақсади!

Раъно ЗАРИПОВА

ЯХШИЛАРДАН СЎЗ ОЧДИК



Мавжуда Гиейсова 35 йилдан буён шифокорлик касбини улуғлаб келаяпти. Опанинг турмуш тарзи, ижобий фазилатлари ўзига хос бир олам.

Мавжуда болалигидан меҳнатсевар, илму-маърифатга ва ҳаётга муҳаббат билан назар солувчи инсон бўлиб тарбияланди. Унинг камолга етишувида айниқса отасининг таъсири кучли бўлди. Тиббиёт соҳасига қизиқишида ҳам отасининг орзуси ва маънавий мадади катта аҳамият касб этди. Тошкент Давлат тиббиёт институти битирга йўлланма буйича Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти қошидаги юқумли касалликлар

клиникасида даволловчи шифокор бўлиб иш бошлади. Шу бўйи мазкур даргоҳ унинг учун иккинчи уй бўлиб қолди.

Мавжуда опа шифокор сифатида қанчадан-қанча беморларни ажал чангалидан олиб қолди, педагог сифатида қанчадан-қанча талабаларга сабоқ берди. Илм киши сифатида бир қатор улуғбий қўлланмалар, тавсиялар чоп эттирди, "Санитария авиация"си чакириги билан мамлакатимизнинг қанчадан-қанча туманларида бўлиб кўплаб беморлар дардига малҳам бағишлади...

дай касаллик энглади.

Мавжуда опанинг умр йўлдоши Темур Гиейсов Шарқшунослик институтида профессор. Бу икки инсоннинг илму-фанга фидойилиги фарзандларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўғиллари Бобур ота изидан борди. Шарқшунослик институтида доцент, қизлари Наргиза Ўзбекистон Ҳаво йўлларида ишлайди, филология фанлари номзоди. Нигора эса биолог.

Мавжуда опа 4 набаиранинг севикли бувижониси. Бугунги кунда Мавжуда Гиейсова ҳамон меҳнат кучида. Сиз каби фидойий шифокорларимиз бор экан, дардлар ҳам энглади, олам нурга тўлиқ ҳам иша,

азиз Мавжуда опа...
Оқила РАЙИМОВА СУРАТДА: Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти қошидаги юқумли касалликлар клиникасининг 2-бўлими мудири Мавжуда Гиейсова.
М. Мирсодиқов олган сурат

ҲАЁТ МАЗМУНИ

- Беморга энг яхши даво, сизнинг бир оғиз ширин сўзингиз, - дейди Мавжуда опа. - Жисмонан оғир хасталикни бошидан кечираётган кишини маънавий томондан қўллаш, руҳлантириш, соғайишига умидлантириш даркор. Бу нарса бўлмаса, сизнинг сарфлаётган энг қимматбахо дори-дармонингиз ҳам бефойда, умид бор жойда эса ҳар қан-

3 ДЕКАБР - ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

МИННАТДОРЛИК

Тақдирни қарангки, қизимиз Шинар Ишанова болалиқдан ногирон бўлиб туғилди. Ҳозир у беш ёшда, туғма фалаж деб шифокорлар ташхис қўйишган. Шу сабабли ҳар ярим йилда даволаниб туриши лозим.

Оталик бурчим уни даволатиш бўлганлиги сабабли елиб югурдим, малакали шифокорларга кўрсатдим. Афсус шу кунгача тўлиқ давоси топилмапти. Дори-дармонга бўлган эҳтиёж бизнинг оиламизда бироз иқтисодий қийинчиликлар туғилишига сабаб бўлди. Шунда биз "Соғлом авлод учун" нодавлат хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими директори Жаҳон Роҳатовга учрашганимизда бизни жуда илиқлик билан кутиб олди. "Ширин сўз, жон озиғи" деганларидек, у нафақат ширин сўзи, балки фарзандимиз учун кийим-кечак, озиқ-овқат ва энг асосийси дори-дармон тарафидан ҳам ёрдамни аямади. Хайрия жамғармасининг Ангрэн шаҳар таянч пункти директори Сагина Пешкуловага учраганимизда ҳам худди шундай илиқликни кўрдик. Хайрия жамғармасининг бундай олий ҳиммат, бағри кенг, ширин сўз инсонларидан чексиз миннатдоримиз.

Пирмуҳаммад ИШАНОВ,
Тошкентдаги ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш институти илмий ходими

Оллоҳ таоло: "Солиҳ бандлар зино қилмайдилар, зинога яқин юрмнгилар... зино, фахш ёмон йўллар!"
Ҳадис. 4-китоб.

Бу учрашув бундан 10-12 йилча муқаддам содир бўлган. Хануз кечагидек ёдимда. Маданият олийгоҳининг кутубхоначилик куллиятига қабул қилинган кунларим. Синглим Сайёра Низомий номидаги Педагогика олийгоҳига ўқишга кирган. Опа-сингли талабалар Тошкентдан тузилган юртимиз Самарқандга бориш учун поездга чиқдик. Бизларнинг ёнимизга 9-10 ёшлар чамаси ўғлини кўтариб олган 40-45 ёшлар афроғиди киши жойлашди. Боланинг бир оёғи бор бўйича гипс қилинган.

Поезд ўрнидан хилди. Биласиз, бундай ҳолларда йўловчилар йўлнинг танобини тортиш учун сўхбатга берилашади. Бизлар ҳам ундан-бундан сўхбатлашиб танишиб олдик. У киши Хатирчи туманидаги ташкилотларнинг бирида муҳандис вазифасида ишларкан. Оилали, тўрт нафар фарзанднинг отаси экан. Ўғлини 4 ёшдан буён шифокорларга кўрсатаркан. Ҳатто Украина томонларга олиб бориб мутахассисларга кўрсатибди. Ҳозир Тошкент шаҳридаги касалхоналарнинг бирида даволатаётган экан.

Уғлимнинг касали суягида. Гоҳ анча яхши бўлиб қолади. Шунда "бутунлай яхши бўлиб кетади", дея умидвор бўламан. Гоҳида касали яна оғирлашади. Умидсизликка тушиб кетаман. Онаси-ку эзиллиб тамом бўлди.

Болага кўз ташлайман. Олпоқ юзли, қош-кўзлари қолқора. Оуздан бегуборлик нури таралиб турибди. Сайёранинг соҳаси болалар билан боғлиқ эмасми, уларнинг сўхбати қизиқ кетди.

Аслида, боланини шу кўйга мен - ўзим солиб кўйдим, - деди Нодир ака (у кишини шу ном билан атай қолай). Кўз қирини ўлгага ташлаб эшитиб, қолишдан чўчигандек секингина сўзлади.

Нега? Қандай қилиб? - дедим ажабланганимни яширолмай.

Аслида воқеани бошлангани

ши мана бундай бўлган... - Нодир ака бошидан ўтказган воқеа-ҳодисаларни бошланмасидан бошлади. - Бизга Нарғиза исми янги ходима ишга келди. Турмуш ўртоғи машина ҳалокати содир бўлиб оламдан ўтган, икки нафар фарзанди бор экан. Гапнинг очиги, унга аввало эътибор бермадим. Бора-бора уни ёқтириб қолаётганимни англадим. Нарғиза хушмуо-

да бир тўп болақай ўйнаб ўтирган экан. Улар орасида мана шу Комили ҳам бор эди. У мени кўриб, "дадажоним, келяптилар", деганича менга қараб югурди. Мияямдан "покиза бўлмасдан боламини олдимга яқинлаштирмаслигим керак. Йўқса менинг гуноҳимнинг касрига қолади", - деган ўй яшин

кўнглингиздан ўтказмасангиз балки ҳеч қандай воқеа содир бўлмас эдим, - ўсмоқчилаб ақл ўргатмоқчи бўлдим.

- Эй, синглим, ҳали ёшсиз-да. Кошки бу сўзларни мен ўзим кўнглимдан ўтказган бўлсам. Ўзи ўтди. Ўзимга қолса сира ҳам ёмон ният, ёмон сўзни ўтказмаган бўлардим.

Сўхбат шу ерга келганда: "Кизик, нега бу киши

кун, ҳаловатини унутган кунларни ёдига тушдими? Ўғлини буткул соғайиб кетишига умид боғлаётими? Ёхуд унинг бир умрлик ногирон бўлиб қолишидан чўчиятими? Дарвоқе, бир ёкда Нарғиза? Нарғизани ўйлаётими-микан? Улар орасидаги муносабат нима бўлдикин?

- Кейин, нима бўлди? - сўрайман қизиқсиниб. Нодир ака озимга тикилиб нимани сўраётганимни англади. - Нарғиза билан учрашмай кўйдим, буткул.

- Учрашмай кўйдим? Назаримда шунча сўзларни айтган киши мени алдаётгандай туюлди.

- Ҳа, учрашмайми. Бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни унга очик айтиб бердим. Қайта учрашмайми дедим.

- Йилгадими? - сўрайман қизиқсиниб сўхбат давомида гарчанд кўрмасам-да менга бойбона таниш бўлиб қолган аёлга нимагадир раҳим келиб кетди. Назаримда у шу кезде кафтларини юзига босганча хўн-хўн йилгларди.

- Ҳа энди... йилгайди-да. Нодир аканинг охириги сўзи сўхбатимизга нуқта қўйди. Поезд Зирабулоқ вокзалига етиб келиб тўхтади. Бизлар олдинма-кейин вагондан тушдик. Тонг оқариб қолаётгандай. Бир неча соатлик танишим Нодир ака аёлга ўраб олган Комилижонни авайлаб бағрига босганча таксига ўтирди.

Мана орадан 10-12 йилча муддат ўтибди ҳамки, мени ҳамон бир дунё саволлар қийнади. Комилжон буткул соғайиб кетдимикан? Соғайиб кетган бўлса, мактабни тугатган бўлиши керак... Нодир ака ҳам виждон азобидан қутулган бўлинди-да... Дарвоқе, Нарғиза... Унинг руҳий оламида қандай ўзгаришлар содир бўлдикин?

...Кўнглимда бош кўтармоқчи бўлган ёмон сўз, ёмон савол, ёмон ниятдан ўзимни олиб қочаман. Мақолага нуқта қўйиб туриб поездаги танишимни ўзи билмаган ҳолда менга улкан бир ҳикматни англаганимни аянада қучқурроқ хис қилдим. Бу кўнглимда бош кўтармоқчи бўлган ёмон сўз, ёмон фикр, ёмон ниятдан қочиш. Истиффор айтиш. Кўнглини поклаш.

Ойгул УБАЙДУЛЛО қизи, шoirа

ЁМОН СЎЗ, ЁМОН ФИКР ВА ЁМОН НИЯТДАН ҚОЧИНГ

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

мала, очик чехрали, мулоҳазали жувон эди. Гапнинг очиги унга сўз қотишга анча вақтча ҳадиксираб юрдим. Ўзимни ундан қанчалар олиб қочмайин кўнглим шунчалар интиқ ҳам бўларди. Ахири бўлмади. Таваккал қилиб унга кўнглимни очдим. У ҳам ҳолатимни сезиб юрган экан шекилли, ҳайратланмади. Жаҳли ҳам чиқмади. Аксинча шундай бўлиши керакдай қабул қилди.

Аваллига шунчаки учрашиб юрдик. Вақт ўтгани сайин муносабатимиз жиддий тус олабашлади. Бора-бора бир-биримизга жуда ўрганиб қолдик.

Ух-хў, ўзим билан ўзим қанчалар курашдим. Гоҳ ақлим, гоҳида кўнглим голиб чиқарди. У менинг ҳаётим, менинг борлигимга айланаб қолди. Назаримда усиз ҳаёт йўқ эди. На оила, на аёлим, на фарзандларим кўзимга кўринарди, тўғри, уларни яхши кўрардим. Оила муқаддас эканлигини ҳам яхши тушунардим. Айниқса, фарзанд жуда ҳам азиз бўлади.

Нарғиза билан муносабатимизни заррча бўлсин уйдагиларга сездирамасликка ҳаракат қилардим. Хотиним сезиб қолса оиламизга дарз кетишимни, фарзандларимдан айрилишимни билардим. Шу сабабли Нарғиза билан муносабатимиз сирлигича қолди.

Униқига бориб турардим. Кунларнинг бирида ишдан чиқиб уйига ўтдим. Ва... моточиқлда уйга қайтдим. Ўзимизнинг кўча-

тезлигида ўтди. Аммо оталик меҳру-муҳаббатим устунлик қилди. Унинг бор овозини

менга шунча сир-синоатини очди? - дея ўйланаб қолдим.

- Ичим тўлиб кетди, синглим... Менам кимгадир ёрилишим керак-ку... Силамдан яшир-сиз-ку "Маданият олийгоҳидаги ўқишимни журналистикага кўчираман", - деб. Кун келиб журналист бўлганимизда бошқаларга сабоқ бўлсин деб, газетамга ёзасиз-да, - деди бироз қиймайиб. Сўнг яна кўшиб жўлди. - Хангома билан бўлиб манзилимизга етганимизни билмай қоламиз. Кейин... Яна йўлимизда давом этамиз. Сиз мени танимайсиз.

Унинг сўзларидан сўнг кўнглимдаги ҳадик йўқолди. Яна, қизиқшим устунлик қилиб савол бердим.

- Кейин нима бўлди?

- Кейин орадан кўп ўтмай ўғлимнинг оёғи шикастланди. Бу нохуш хабарни эшитиб ўша кунги ҳолатлар кўз ўнгимда жонланди. Мана, орадан олти йил ўтаяпти ҳамки болам буткул соғайиб кетмапти, - у ўқиниб жим қолди.

Ким билсин нималарни ўйлапти экан? Йиллар мобайнида эшикма-эшиқ, шифокорма-шифокор юрганлари кўз ўнгидан ўтаяптимикиан? Ёхуд хотинининг кўз ёши-ю, боласининг "дадажон, менам юриб кетаманими?" дея зорланиб, илтижоли боқиб турган ҳолатини эслаб изтиробга тушяптими? Эр-хотин кеча-кундуз егани ичига тушмай уй-



қўйганча шодон қичқириб мен томонга югуриб келишидан меҳрим ийиб кетди. Мотоциклни тўхтатдим. У югуриб келган оқрамга мингашиб белимдан қўчиб олди. Унга "моточиқдан туш" дейишга тилим бормади. Ва шу заҳоти кўнглимдан яна "нотўғри қилдим", деган фикр ўтди. - Халқимизда "кўнглига олмас, кўнглидан ўтказмас" ҳеч нима бўлмайди", деган гап бор-у. Сиз ҳам шу сўзларни

МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, МУШОҲАДА

рига, аччиқ-чучук гап-сўзларга бардошлари етармикан?! Қўлида хунари йўқ, билим даргоҳини тугатмай ҳам тарк этиб кетган ёшлар оиласини, рўзгорини қандоқ тебратди?! Оз бўлса ҳам оқ-қорани таниб, мустақил ҳаётга ўзини тайёрлаб, билим юрларида ақлини ўткирлаб, ҳаётга жиддий кўз билан қараш-

ФИРИБГАР АЁЛЛАР

Шу йил баҳор пайти эди. Кўча четига майдончага райхон экиш учун жой тайёрлаётган эдим. Олдимга бир кўшим келиб, ҳаж сафарига бориб келганларни зиёратлари ҳақида сўзлай бошлади. Мен ҳам Оллоҳ насиб айласа келгуси йил ҳажга бориш ниятида эканлигини айтдим. Шу орада икки аёл, бир эркак олдимизга келди. Улар йиги аралаш бошларига тушган мусибат ҳақида гап очди. Ёшлар 50, 40, 35ларда бўлган бу кимсалар Бухородан эканликларини айтишди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ТОВЛАМАЧИ!

Аёллардан бири қўлларидаги ҳар хил тақинчоқларни бизга кўрсатди: "Аяжонлар, ёрдам беринглр, ўғлим қамалиб қолди. Қутқариш учун пул керак бўлиб қолди. Шунинг учун ҳамма тиллаларини сотмоқчиман. Ўзим маҳаллангиздаги бир уйга кўчиб келяпман. Бухорода келинимнинг уруғлари бизга тинчлик бермай қўйди, кўчиди. Юқларимиз поездга келяпти. Қанча пул топсанглр ҳам олиб қолинглар, кечқурун келамиз, сўнг текшираверасиз. Агар тилла бўлмаса, "учта боланини ўлиги устида турай" деб хўнграб йилгай бошлади. Арзонга беришди деб 40 мингга битта тросни қўшим олди. Менга

ҳам дастрўмолдаги нарсаларини узата туриб: "Толганингизни беринг-да, олиб қолинг. Молиминизни тушириб олайлик, кечқурун қайтиб келамиз. Агар тиллора ёқмаза, лама пальто, бархитларимиз бор, алмаштириб оласиз", - деди. Бошим айлиниб, мен ҳам зиёратга йиққан пулимни ўз қўлим билан бериб юбордим. Улар ўзларини Орипова Тўхтаган, Орипова Нарғиза ва Орипов Форуҷон деб таништиришди, пул олганликларини ҳақида тилхат ҳам ёзиб беришди. Кечқурун пойдик келишмади.

Тақинчоқларни текширишга олиб бордик, тилло эмас экан. Сал қолди ўзимиздан кетиб қолганимизга. Кечқурун улар айтган уйга бордик. У ерда улар айтган ўй йўқ экан. Сўнг алданганимизга иқроқ бўлдик. Бундай воқеа ҳар бир маҳаллада содир бўлиши мумкин. Айтишадик, кўза кунда эмас, кунда си-нади, деб... Хурматли онахонлар, опа-хонлар, эҳтиёт бўлинг, шундай фирибгар аёлларнинг макрига учра қолманг!

Хури АЛИМХЎҲАЕВА

МЕНИ ЎЙЛАТГАН МУАММО

турмушга чиқди. Ишонгим келмади. Ахир у эндигона 15 ёшга тўлган эди. Турмуш ўртоғи эса 17 ёш эди. Аммо уларнинг турмуши бўлмади. Акралиб кеттишди. Синфдошимга ҳам, унинг турмуш ўртоғига ҳам ачиндим. Ахир уларнинг турмуши бир йилга ҳам бардош бера олмади.

Мактабимиздаги бир қиз 9-синфини ҳам тамомламай, турмушга қичиб кетди. Орадан қанчадир вақт ўтиб, у ўғил қўрди. Бироқ ўғли яшамади, оиласи бузилди кетди. Бу воқеаларга бефарқ қараб бўладими?! Наҳотки ўз қизларини жуда эрта узатиб юбораётган оналар фарзандлари бахтига зомин бўлишаётганини тушунмасан? Еки англаб туриб, шундай қилишадими?!
Хўш, бу воқеаларда кимни

ўз ўрнини топиши, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўйиши керак эмасми?! Мустақиллик замонида ҳар бир ёш шу мустақиллик учун жон қўйдириши керак эмасми?! Конституциямизнинг 10-боб 46-моддасида: "Хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳуқуқлари тенг", - дейилган. Бироқ ҳозир ҳали хотин-қизларни ўз эрқларидан маҳрум қилмоқчилар, уларнинг ўқиб, билим олишларига қаршилар топилади. Дейлик, ўша қизлар жамоат ишида ишласам, аммо бир кун улар она бўлгач, фарзанд тарбиясида ҳам билим ва ақл талаб қилинади-ку!

Ҳали оила нималигини билмаган, ҳаёт имтиҳонларига тайёр бўлмаган, тақдир сўмоқларида адашгани осон бўлган ёшлар эрта турмуш қуриб, оиланинг нақадар муқаддас эканлигини тушунамай туриб, ҳаёт синовла-

ни ўрганган ёшлар турмуш қурсалар, турмушлари ҳам бахтли, фаровон бўлмайди?!
Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор. Истагим: ёшларимиз имкон борида, ўз вақтида билим чўққиларини эғаллаб, порлоқ келажак ва ёрқин ҳаёт учун интисалар. Майда тўсиқлар уларнинг иродаларини бўғмаса, ўз максадлари йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгсалар. Шунда ёшларимиз (менинг ўзим ҳам) жамиятга наф қилтирарлар. Оилалари ҳам мустаҳкам бўлган бўлариди!
Хуллас, ёшлар-бу келажак. Келажак бизнинг қўлимизда. Шу келажакнинг буюклиги бизга боғлиқ!

Комила НОСИРОВА,
Тошкент шаҳар, 1-Бизнес мактаби

(Боши ўтган сонларда)

Узоқда турган жойида қотиб қолдим, томоғимга намадир тикилгандек, нафасим чиқмай хирлаб қолдим. Гўё, ҳозиргина жон таслим қилган Юлдузнинг руҳи келиб бўғаётгандек эди. Агар шу дамда биров ҳолатимни кўрганида ҳеч шубҳасиз мени Юлдузни ўлимига ҳақиқий сабабчи деган бўларди.

Бир пастда Юлдузни одамлар ўраб олди, кимдир "тез ёрдам"га телефонда хабар бериш учун уйига югуриб кириб кетди. Машинадан тушиб, секин бориб одамлар орасидан ўтиб, Юлдузни тепасига келдим. Дахшатли ҳолат намоян эди. Зум ўтмай милициянинг ташвишли сигнали чинкириги остида машиналар етиб келди. Улар одамларни тарқатиб юбориб, суратга ола бошлашди. Гувоҳларни суриштира бошлаганларида секин ўзимни четга олдим. Охири марта Юлдузга қайрилиб қарарканман, унга ачиндим, у эса жилмайган кўйи лабларининг четидан қон сизиб чиқиб қотиб қолган ҳолда ётарди. Ерда эса... икки нафар бир нима ётарди. Яхшилаб тикилдим. Эндигина гўдак суратига қараётган норасида экан, ха-ха, гўдакни ўзи. Эгизак экан. Индамай нари кетдим. "Бечора Юлдузгинам, нега бундай қилдинг, ҳали сан билан қанчадан-қанча айшу-ишратлар, бир-биридан ширин кечаларни ўтказардик-а. Ҳасан-Ҳусанларингга ўзим оталик қилардимим."

Машинамга ўтираётганимда кўзим милиция бўлимидан чиқиб келаётган Юлдузнинг эри Қахрамонга тушди. Униям кўнгли бир нимани сездимми ёки бўлимдан чиқибкоқ соғинган одамими изладими, одамлар тўплаган турган жойга қараб юрди. У Юлдузни тепасига келиб устига оқ чойшаб ёпилган бўлса-да, мурдани кимлигини таниб, "дод" дея ўзини унинг устига ташлаб бақириб юборди.

- Юлдузгинам, жоним, нималар қилиб қўйдинг? Нега мени ташлаб кетдинг, нега бундай қилдинг? Эй Худо, нега бизни айирдинг, нега? Юлдузга ёмонлик қилган номарднинг жазосини ўзинг бер. Эй Оллоҳ, энди мени Юлдузсиз қандай аяшайман, қандай...

Милиция ходимлари бу ҳолатни кутишмаганим, бирдан уни тургазишга ҳаракат қилшар, у эса милиционерларни итариб ташлаб, яна Юлдузни устидаги чойшабни олиб, хотинини бошини кучоқлаб, юз-кўзларидан ўлиб йиғларди. Шу пайт яна милиция машинаси билан бирга чинкириб "тез ёрдам" етиб келди. Тезда Қахрамонни мурдадан ажратиб олишиб, милиция машинасига, Юлдузнинг мурдасини эса "тез ёрдам" ҳамширалари олиб кетишди. Бу манзарага қараб турарканман, шу дамда озгина бўлса-да виждоним кийналди. Чунки, шу фожевий қўғуликларнинг барчасига мени сабабчи эканлигини тушуниб этгандим.

Машинадан тушиб ИИБга кириб, тўғри терговчининг хонасига бордим. Терговчи мени ўзида йўқ, хурсанд кутиб олди-да ҳозиргина Юлдуздан олган 200 минг сўмини ярмини узатди.

- Мана, ваъда қилингандек ярми сизники. Қахрамонга хотини қилиб юрган хиёнатини, бундай

катта пулни шу йўл билан топганини айтдим. Жаҳл билан чиқиб кетди. Юлдуз "эримга чиқиши олди-деб берайсиз" деб битта хат бериб чиқиб кетганди. Ўқиб туриб тушунмадим. Бирор машаада бўлмасин деб эрига бермадим. Мана ўша хат, - деб терговчи хатни узатди. Пул билан хатни оларканман, тер-



**НОМАРДЛИК
ЎКИ ХУДО УРГАН
ЙИГИТНИНГ ҚАСОФАТИ**

говчининг тиржайиб турган афтига қарадим.

- Ўша, сен айтган машаада аллақачон, бундан беш дақиқа олдин юз берди, оғайни, - дедим.

- Қандай қилиб, тушунмадим? - сўради терговчининг қошлари чимрилиб.

- Деразангни пардасини очиб қарагин, ҳаммасини тушуниб оласан!

У ўрнидан ерғиб туриб деразани пардасини суриб пастга қаради, узоқ тикилди. Сўнг мени олдимга секин юриб келиб тикилиб қолди.

- Агар Юлдуз билан мен танишганим ҳақида озгингдан гуллайдиган бўлсан, ундан пора олганингни айтмаслигини иложи йўқлигини яхшилаб тушуниб ол. Иккаламизнинг тақдиримиз бир-биримизга боғлиқлигини ўқиб ол! - дедим тикилиб туриб.

- Яхши. Бу борада хотиржам бўлавер.

Иш кабинетимга келиб, ҳали терговчи берган Юлдузнинг эрига берилиши керак бўлган хатни

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

ўқий бошладим.

"Қахрамон ака, сизга дунёда энг азиз одамим сифатида сўнги бор кўлимдан келган ёрдамимни қилаётман. Бу ёрдам эса сиз ишонган севгилингизни хиёнатни, муҳаббатимизнинг эндигина очилаётган гуңчасининг топталиши эвазига келганини, сиз суйиб вафодорим дея асраб-авайлаб юрган ёрингиз - Юлдузнинг эса энди сиздек пок йигитга муносиб эмаслигини билишингизни истардим. Жоним, мени кечиринг, мени бундай нопок йўл билан сизни озод эттишга сизга бўлган бегубор, пок севгим, қалбимнинг аччиқ азоби давъат этди.

Қахрамон ака. Энди мен сизнинг юзингизга қайси виждон билан қарайман. Гарчи, сиз буни билмасангиз ҳам, сиз тополмайдиган ерга кетаяпман. Илтмос сиздан, мени энди изламанг! Мен энди сиз учун йўқман, севгилим. Сизни озодлигингиз, сизни бахтли ҳаётингиз менга ширин ҳаётимдан, бахтимдан-да азизроқ. Сизни сўнги бор кучиб, ўпиб қўлувчи, муҳаббатингизнинг собиқ маликаси - Юлдуз."

Хатни стол устига иргатарканман, кулиб юбордим. Қахрамонни милиция бўлимидан чиқа солиб Юлдузни алағлаб излаганини эслаб яна кулгим кистади. Гап йўқ, мана бунга муҳаббат учун жон фидо этиш, қурбон бўлиш деса бўлади. Нега куламан, мен учун хотиним шундай қила олармиди, ўзим-чи? Севгилим учун, рафиқам учун қурбон бўлишга тайёр бўла олармидинг? Йўқ, эркак киши бўлсан-да Юлдуз қилган мардликни қила олмаган бўлардим. Бунга чин юракдан тан оламан.

Шундан бир ойлар чамаси ўтар-ўтмас, ҳақиқий фожеа бирин-кетин бошланди. Ишонмага катта тафтиш ишлари бошланди. Хужжатлардан камчиликлар, рақамлар нотўғри қўйлиб, кўп-кўп ўзлаштирилганлиги учун биздан уч кишини қамоққа олишди. Мен зўрга қутулиб қолдим, лекин ишдан олиб ташлашди.

Ўша кунларда милицияга шимн тушиб борганимда, мени эски ҳамқорим - терговчи авария бўлиб ўлганини эшитдим. Ўзимнинг бош оғригим билан юрганим учунми, унчалик аҳамият бермай, шунчаки ачинган киши бўлиб қўл силтаб қўйдим.

Бу гапдан бир hafta ўтар-ўтмас рафиқам Дилафрузхон ҳеч бир сабабсиз йиқилиб тушиб... эндигина 5 ойлик бўлган иккинчи фарзандимиздан айрилиб қолдик. Анчагача кимдан аламинми олишни билмай юрдим. Хотинимни касалхонадан олиб чиқиб, ҳаётимизни изга солаётганимда, ягона фарзандим, Азиза қизим иситмалаб қолди. Касалхонага олиб бордим, улар аниқ тахшис қўйишолмади. Пойтахтдаги казо-казо профессору-дўхтирларга олиб бориб кўрсатдим. Мурғаккана қизамни юрагида ўсмаси бор экан.

(Давоми бор)

Дилшод ҚҮЛДОШЕВ

БОЛАНГИЗНИ ҚАРҒАМАНГ

Академик Юнус Ражабийнинг оналари Офтобхон хола 105 йил яшаган эканлар. У аёлнинг тилидан бол томаркан, кўздан меҳр. Дунёга келиб на бировни, на болаларни қармаган, билганлари дуо экан.

Болалигида шўхлик қилган Юнусжонни: "Ҳа, етти хазинага учрагин-а!", "Болаларинг кўпайгур-а!"-деб койир эканлар. Жаҳллари чиққанда айтадиган энг "ёмон" сўзлари шу экан.

Бу ҳақда менга Юнус Ражабийнинг рафиқалари, яъни Офтоб холянинг келинлари бўлмиш Кумри момо айтиб берганлар. Кумри момо ҳозир борлар. Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида уйлари. Бу аёл ҳам қайноналарининг дуоларини олган эмасилар, ёшлари тўқсондан ошиб, фарзандлар, неварачеваралар ардоғида пире бадавлат яшашгилар.

Каранг-ки, Юнус Ражабий элга танилиб, етти хазинага учрадилар. Яъни муомтоз мақомларимиз ҳақида еттига бебаҳо китоб ёзиб қолдириллар. Мақом кўшиқларининг энг мохир ижрочиси, халқ ҳофизи, азиз устоз сифатида танилдилар. 12 нафар фарзандага ота бўлдилар. Етмиш йилдан ортиқ умр кўрдилар.

Ҳозир Юнус Ражабий фарзандларидан бири - Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий отасининг чирогини ёқиб, ўзи ташкил этган маҳабатли уй-музейга раҳбарлик қилмоқда. Келдикетдини кутиб, табаррук падарибузуқворининг ибратли ҳаёти, санъати ҳақида ҳикоялар айтмоқда...

Ғалпинг индаллоси шуки, биз оналар фарзандларимизни асло қарғамаслигимиз керак. Бунинг ўрнига яхши ният, яхши орзулар билан дуо қили-

шимиз. яратгандан уларнинг бахтини, камолтини, инсофли, тафқиқли бўлишини сўрашимиз керак.

Халқимизда "яхши галга ҳам, ёмон гапга ҳам фаршадилар омин дейди" деган жуда доно нақл бор. Баъзи оналар фарзандларини шунчалар титраб-қақшаб қаргайдилар-ки, уни эшитгач ҳайто илон ҳам пўст ташлаб юборарди. Ўйнаб шўхлик қилган уч-тўрт ёш болаларни. Воёга етаётган ўғил-қизларини бисотларидиға энг қабиҳ сўзлар билан қарғайтган оналарни, сўкиниб ҳақорат қилаётган оталарни кўриб ёқа ушлайсан киши. Бундай олганда улар болаларни едирадидилар-ичирадилар. Яхшигина кийинтирадидилар. Шу билан баробар болаларини қаргайдилар. Қилган яхшиликларини ювиб юборадилар. Жуда катта хатоликка йўли қўядилар.

"Қарғасанг бети котоди, урсанг эти котоди", деб бекорга айтмаган машоъйхлар. Қарғиш эшитган, калтак еган бола безабт бўлиб ўсади. Ота-онасидан меҳри қочади. Уларнинг сўзига кирмайди. Қайсар бўлади. Қайсарлик, бемехрлик кейинчалик ҳам кишига панд бериб қўяди. Калтак еган, қарғиш эшитган боланинг бахти кемтик бўлади.

Фарғона, Марғилон шаҳрида, Олтиариқ, Кува туманларида кўп бахтиёр оилаларни кўрдим. Фарзандлари ақли, топармон-туртармон. Ота-оналарига жуда меҳрибон. Хатто алоҳида уйли-жойли бўлганлари ҳам эрта билан ота-оналарига тўртта иссиқ номми, бир коса қаймоқми; илиниб олиб келадилар. Бир неча дақиқа бўлсада ота-оналарини зи-

ёрат қилиб, уларнинг табаррук дуоларини олиб, кейин ишга равона бўладилар. Ана ўшаларни яратганнинг ўзи асраб, ишларини ривожлантиради, обрў ато этади. Умрларига умр қўйишлади.

Бундай оилаларни кўп кўрдим ва ҳар гап уларга хавасланиб, энтиқиб кетаман. Уларни саволга тутаман.

- Болаларни қарғаган ёки уриб-сўккан эмасмиз. Кўп эрқалатмаймиз ҳам, Талабчанлик, жиддийлик билан яхши гапириб, аввало ўзимиз ибрат бўлиб тарбиялаганимиз. Меҳнатга, хунарга қизиктирганмиз. Хато қилса яхши гап билан эринмай тушунтирганмиз. Ҳеч бекор қўймаганимиз,- деб жавоб беришадилар улар саволимга.

Кўлимда "Оила ва жамият" тахририятига келган бир хат бор. Унда самарқандлик Раҳбархон шундай ёзади: "Онам кўзи ёришда қийналиб вафот этдилар. Дадам уйландилар. Иккинчи онамиз овқат пиширарди, уй супуриб, кир юварди. Лекин бу яхшиликларини бурниимиздан бўлоқ қиларди. Чунки, укаларини тинимсиз қарғарди, дадамга чақиб, урдирарди.

Мен-ку турмушга чиқкан эдим, лекин укаларим ёш эди, шўх эди. Ногоҳ битта пиёла синдирса ҳам, бир челақ сувни вақтида олиб келмаса ёки кўчага ўйнаб-кетиб қолса ҳам бақир-чақир, дўппослашарди, сўкиб-қарғашарди. Ўғай онамиз нукул икки тиззасига уриб-уриб, қаҳр-ғазаб билан қарғарди. Укаларим бир қошиқ таомни тинч ўтириб ейишмади. Биронта яхши гап, бирон томчи меҳр кўрмай катта бўлишди. Ва қарангки, ўша қарғишларда айтилган сўзларга

"сазовор" бўлишди. Бирининг турмуши нотинч, бирининг умри калта, бирининг иши юришмаган ва ҳоказо. Ҳеч кимнинг ўз онаси ўлмасин ва ҳеч ким болаларини қарғамасин, бахтсиз қилмасин экан. Аксинча, дуо қилсин, дуо! Дуода гап кўп экан. Азиз оналар, болаларни, ёшларни дуо қилинг, илтмос?" деб тугатади мактубини Раҳбархон...

Ўғай оналарнинг яхшиси ҳам кўп, дегим келади Раҳбархонга, бировнинг боласини ўзиникидай кўриб, болам-бўтам деб, яхши гап билан қалбига йўл топиб, уларнинг бахтли-саодатли бўлишига замин яратган кўп ўғай оналарни кўрганман. Уларга халқнинг, Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади, ҳаммаша.

Эртақларда ўқганим: "Бир гўзал қиз хиёб жилмайса- оқ гул, хандон қулса - қизил гул чаман очилиб кетаркан", деган гаплар ёдимга тушади. Бу гапнинг замирида катта маъно бор. Ҳа, атрофимиздаги гулларнинг очилиши, яъни оила муҳитининг, оила оли-ҳавосининг муътадил бўлиши биринчи навбатда биз аёлларга боғлиқ. Бизнинг тилимизга, хулқ-одобимизга, иродамиз ва яратгандан кўрқинишимизга боғлиқ. Болаларни яхши гап билан, тушунтириш, ибратли хикоялар айтиш, яхшиларни ибрат қилиб кўрсатиш ва энг муҳими ўзларининг туриш-турмушлари, ибратли ҳаётлари билан тарбияламоқлари зарур.

Беш кунлик дунёда одамларга яхшилик қилиб, етимларнинг бошини силаб, фарзандларимизни дуо қилиб, савоб топганга нима етсин! Келинг, онажонлар, фарзандларимизга яхшилик йўлларини кўрсатишдан, уларга ҳар қадамда ибрат кўрсатишдан эринмайлик. Уйларига бугудой тўғур, бахтли бўлгур болаларимиз - илоҳим яхши кунлар кўриб, узоқ яшаб юришсин!

Болангизни қарғаманг!

Санъат МАҲМУДОВА

Мен исминни айтишни хоҳламайман. 1990 йилда турмушга чиқдим. Ҳозирги ота-онам ўқимашли бўлганлиги сабабли мени ҳам ўқиганга берармиз дейишар эди, афсус тақдир тақозоси билан ўқимаган одамга узатишди. Қиз бола тўйдан кейин турмуш ўртоғини яхши кўриб кетади дейишди-да, катта ора-ҳавас билан тўй қилишди. Ҳозир беш ўғилдан кейин туғилганман.

Тўйдан кейин менинг турмушимга маҳалла қизларининг ҳаваси келар эди. Эрим мени жуда севар эди, ҳеч қаерга ишонмасди. Ҳатто ўқимашга ҳам бирга бориб, бирга келар эди.

Қайнона ҳеч қачон ўз онагдек бўлолмас экан, бу сўзга олдинлари ишонмас эдим, ҳамма нарса келиннинг ширин сўзига боғлиқ дер эдим, афсус, бошга тушганини кўз кўрар экан. Ишонасизми, қайнонамнинг кўзларига тик қараган инсон эмасман. Шу даражада кўрқар эдим-ки, ҳатто ўқимашга ҳам рўмол, лозимда бориб келар эдим. Тўйдан кейин икки-уч ой яхши яшадик, кейин эса кунда жанжал бошланди, хотининг ўқини ташласин дедилар, сўзларини икки қилмай ташладим, уйдагиларга эса, ўзимни ўқимам келмаяпти дедим. Эримни ва қайнонамни ёмон кўрсатгим келмас эди.

Вақт ўтиб эрим ҳам ҳеч қаерда ишламай кўча изғиб келадиган одат чиқариб кетди. Мени ёмонлай-кўрсатиб қўйдилар. Ишонасизми, ёқаман деб, уйда ҳеч ҳам тинимриб, топиб қилар эдим. Эрим тамом.

1991 йил ўғиллик бўлдим. Икки ой ўтар ўтмас онам бешикни данғиллама қилиб ора-ҳавас билан бердилар. Қайнонамга маъқул бўлсин деб онам ҳамма нарса қилдилар. Қайнонам ҳар гапнинг бирида отанг палон жойда ишлайди, палон нарса қилиб келсин, деб таъна қилар эдилар... Эрим эса сал гапга урадиган бўлиб қолди. Неча маротаба оғир оёқлик вақтида касалхонада ётиб чиқдим. Уриб кўқартирган вақтларида акам хабар олгани келиб ўзлари гувоҳи бўлдилар. Кириб эринг билан гаплашаман, яшамаса руҳсизнинг берсин, олиб кетаман десалар, мен эса ҳатто дарвозадан ичкарига киритмай "Йўқ, кетинг, менинг оиламга аралашманг, мен эртага ярашиб кетаман, ойим, адамга айтманг", деб хайдаб юборган вақтим ҳам бўлган.

Сен кетсанг ўғлимни 15 ёшли қизга уйлаб қўяман деб қайнонам гапирар эдилар. Ўғлим тўрт ойлик бўлганда эрим ичиб, наша чекиб келиб (наша ҳам чекар эди) мени хайдаб юборди. Ўғлимни кўтариб уйга келдим. Бир ой ўтар-ўтмас эримни бошқатдан бир қизга уйлантириб қўйишди. Эҳ-ҳе, ўша вақтларда ўтказган туналарим. Кечалари мен учун дўзахдек ўтар эди. Эрталаб кўзларим шишиб турардим. Уйдагиларнинг ҳаммаси менинг кўнглимга шунчалик қарашар эди-ки, битта гапим икки бўлмас эди.

Орадан вақт ўтиб, ишга жойлаб қўйдилар, "Ишга кирсанг, кўнглинг таскин топади" дедилар. Ўғлим икки ёш бўлганда, қайнона, қайнотам уйимизга яна келишди. Яраштирайлик, ўғлим бари бир "биринчи хотининг" деяпти дейишди. Отам эса: "Болам, ўғлингни етим қилма, эринг инсофга киргандир" дедилар-да, мени яна қўшиб жўнатдилар.

Иккинчи хотинларидан ҳам бир фарзандлик қилиб жўнатиб юборишибди. Ҳозир ҳам эримда кўнглим бўлганлиги сабабли ўғлимни тирик етим қилгим келмай яна ярашдим. Болам отасининг кўз олдида катта бўлмаганлиги сабабли эрим боламга бемехр эди. Худди ўғай отадек дағдага қилгани қилган эди. Ҳамма бола отам деса, бу эса доимо кўчар эди. Пешонам шунчалик шўр эканки яна бир йил туриб, "хотининг суюқоёқ бўлиб кетди, ишлаб, юриб кетди", деб яна хайдаб юборишди. Қонуни равишда биз 1994 йилда ажрашдик.

Боламни боғчага жойладим-да ўзим ишга кириб кетдим. Ажрашганимдан кейин эрим 15 йилга қамалиб кетибдилар (наркотик модда билан қўлга тушибдилар).

Ҳозирги кунгача давлат ишида ишлаб келмоқдаман. Отам эса менга қуйиб-қуйиб ўлиб кетдилар. "Нахотки тилаб-тилаб олган қизимнинг турмуши шундай бўлса" деб қуйиб кетдилар. Адажонимдан кейин яшагга қизиқшим қолмади. Онам доимо далда берар эдилар. "Қизим бошинг шунча тухматларни кўтарди, айрилиқни кўтарди, бу ёғига бардам бўл қизим, энди ўғлинг учун, ман учун яшашинг керак-да" дердилар. Ҳа, мен тирик ҳайкалдай бўлиб қолган эдим. Ишга бориб анча чалғиб келар эдим.

Эндиги ҳаётимни сизга гапирсам, бу ёғига нима қилишни сиздан маслаҳат сўрайман.

Мен ўзимни чиройли, гўзалман дея олмайман. Балким истаралик қиздирман, шундай бўлсада мен кўчада юрсам ҳавас билан қарашади, гап отишади. Бир марта куйганим учун ҳеч кимни ёқтирмадим, ёқтириб қолишни ҳам истамадим. Биласизми, уйланмаган йигитлар, менга турмушга чиқинг дея ҳам таклиф қилишган. Уларга рад жавобини берганман. Йигитлардан шунчалик нафратланиб кет-

ган эдим-ки, ҳатто бирон марта ҳам қулиб қўйишни билмаганман.

Энди бу ёғига нима бўлган ўзи санга, дерсиз. Менга кўп нарсалар бўлди. Ҳозир уйламаган ишлар бўлди. Ҳа, мен бир одамни севиб қолдим. Ҳа-ҳа, каттиқ севиб қолдим. У одам мен билан бир жойда ишлайди, десам ҳам бўлади. Фақат биласизми, унинг хотини, икки фарзанди ҳам бор. Мен олдиниға бу ҳолатим ўтиб кетса керак деб ўйладим, афсуски зўрайса зўрайди, лекин қамаймади. Уни унутишга ҳаракат қилдим, афсуски унутолмадим. У менинг юрагимга шунчалар кириб олган эди-ки, уни унутуш учун мен бошқатдан туғилишим керак эди. Ё раббим, уни ўйлавериб шунчалар қийналиб кетдимки, ҳатто ўзимни бошқара олмай қолдим. Бу ҳақда бир дугонамга маслаҳат солдим. Нима қилай уни ўйлавериб бошим шишиб кетар эди, ҳатто бошимдаги оғриқ бир дақиқа ҳам тўхтамади. Дугонамга "ҳаммасини унга тўкиб соламан, айтмасан юрагим ёрилиб кетади" дедим. Шунда у

"ўртоқ, ақлингни йиғиб ол, унга ҳеч ҳам айтма, аёллик шаънингга доғ туширма" деди.

Афсуски, бундай қилолмадим. Бир кун мени унга "Сизга гапим бор, юринг чеккада гаплашиб олайлик" дедим. Бу гапни айтиш-йўлда кета туриб нима дей-қолдим.

У. Анча сукут сақлаб тўқача ёмон маънода тусизни севаман!" дедим.

ман, нимадан гап бошлайман деб қотиб - Хўш, гапиринг, нима гап экан, - деди кириб кейин унга: "Илтимо, сиз буни бош-шунманг", дедим-да, кейин секингина: "Мен дим. Шунда у хангу манг бўлиб қолди.

Аваллига у менинг сўзларимга ишонмади, кейин эса у менга "сизнинг севгингизни оқлашга ҳаракат қиламан" деди. Илтимо, сизлар мени нотўғри тушунманлар, мен унинг турмушини бузишни ҳеч ҳам истамайман, ҳа, ўзига ҳам шу гапни айтганман. Фақат мени ориятсиз қиз экан деб ўйламанг. Буни бошга тушган одам билар экан. Менга кўп одам "юрагинг тошдан экан, сен ўзигдан бошқани севмас экансан" дейишган. Ҳозир ҳам севишганларни кўриб ҳавасим келар эди-да, "нахотки мен ҳеч кимни севмасам" дер эдим. Лекин минг афсуслар бўлсинки бошимга тўшди. Унинг уйи сал нотинч бўлиб қолса, мен унга "илтимос, хотинингизни хафа қилманг" дея туриб ўзимни айбдор деб билар эдим. Лекин ҳеч қачон унга оиласини ёмонлаган одам эмасман. У оиласи билан уришиб қолса, сиқилиб

кетар эдим. Ҳа, унинг тинчлигини ўйлайман.

Яшагга иштиёқ туғилди менда. Уни кўрсам вужудим яйраб кетарди. Менинг қалбимни забт этган бу севги ана шундай илоҳий бир ишқ. Биз у билан маҳфий ҳолатда учрашар эдик. Сиз ўйламанг, ёмон маънога борманг. Биз фақатгина ўтириб узоқ суҳбатлашар эдик. Ҳар кун уни ишга келишини сабрсизлик билан кутар эдим. Келмай қолса, кечалари ухламай чиқар эдим. Биласизми, ҳозир мен, менинг вужудимни чулғаб олган бу туйғуни гапиршига ҳам ожизлик қилаялман. Мана икки йил бўлди танишганимизга. У бошида менинг кўнглимга шундай қарадики, хурсандлигим оламга сизмас эди. Мендан хушчақчақ қиз йўқ эди. Кун ора маҳалламга келар эди. Унинг сўзларига ҳеч ҳам тўймайман. Менга унинг фақатгина икки оғиз ширин сўзи керак, холос. Аммо, биласизми бу туйғу худди назаримда мени кемириб бораётганга ўхшайди. Қийналиб кетдим.


Уйимда онам мен "қизим турмуш қургин, у ердан, бу ердан совчилар келаяпти" дедилар. Мен эса бунга эшитгим ҳам келмайди. Хаёлимда фақат у. Мана бориб-бориб у ҳам кам келадиган бўлиб қолди. Нега бундай қиласиз десам, у менга "проблемам жуда кўп" деди. Мана охириги учрашувимда ҳам бир гапидан хафа бўлсам, "уф, жонимга тегди, бунча хафа бўласиз, қайси одамни кўнглини олишни ҳам билмайман" деди. Мен ундан кўп нарса талаб қилмайман, фақат икки оғиз ширин сўзи. Сиз балким ўйларсиз, тез-тез учрашиб турар экансиз деб, йўқ, биз фақат бир ой, икки ойда учрашамиз. Мен тугунсиз унга боғланиб қолганман. Турмушга чиқишимни ҳам билмайман. Бошқа одамга кўнгли қўймай қандай чиқаман. Бошқа бировни, уни севганчалик сева олмайман. Ўғлим ҳам доимо менга ойичон турмушга чиқинг. Менинг ҳам ўзимнинг отам бўлишини истайман дейди. Икки олов ўртасида қолганман. Нима қилай, айтинг, маслаҳат беринг. Биламан, сиз мени қоралайсиз, қандай қилиб оилалик одамни севдинг, дейсиз. Нима қилай, қалбимга буйруқ бера олмас эканман. Мен хохламайман, у ўз оиласини ташлаб мени дейишини. У ҳам оиласини жуда каттиқ ҳурмат қилади. Лекин менинг ҳам кўнглимга қарайди. Фақат биласизми, сиқилган вақтимда у менинг ёнимда бўлмайди. Менга таскин беролмайди. Фақат сиздан илтимо, ундан воз кеч деманлар, уни ҳеч қачон қалбимдан суғуриб ташлолмайман. У менинг юрагининг тубидан жой олган. Менинг севгим таъмасиз севги. У менга шунча вақт давомида бирон нарса сова қилмаган. Буни айтишимни маъносини сиз бошқача тушунманг. Менга унинг ҳеч вақоси керак эмас.

Ҳурматли газетхонлар, бу севгимга қандай қарайсиз.

Тошкентлик синглингиз...



қарди. Ҳа-ҳа, ёмон йўлга ёмонлай қайнонам ёмон қандай қилсам қайнонамга билмай, йўқ жойдан иш қиди-мен билан уришиб қолсалар, бўлди



келар эди. Унинг сўзларига ҳеч ҳам тўймайман. Менга унинг фақатгина икки оғиз ширин сўзи керак, холос. Аммо, биласизми бу туйғу худди назаримда мени кемириб бораётганга ўхшайди. Қийналиб кетдим.

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
 Бош муҳаррир — 133-28-20
 Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
 Тошкент - 700000
 Амир Темур кўчаси,
 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
 Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
 Босишга топшириш вақти - 20.35
 Босишга топширилди - 21.15

ХОМИЙ
 «Матбуот тарқатувчи»
 акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - {
 яққа обуначилар учун 176
 ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
 Буюртма Г-0558.
 37 639 нусxada чоп этилди.
 Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
 Баҳоиси эркин нарҳда.
 Рассом — Н. ХОЛИМҲУРОДОВ.
 Навбатчи — М. СОДИҚОВ.